

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: “САХОВАТ ВА КЎМАК” УМУМХАЛҚ ҲАРАКАТИ – ДАВЛАТИМИЗ ВА ХАЛҚИМИЗ ҚУДРАТИНИНГ АМАЛИЙ НАМОЁНИДИР

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЕВРОПА КЕНГАШИ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 апрель кунги Европа кенгаши президенти Шарль Мишель билан телефон орқали мулоқот қилди.

Мулоқотда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги, биринчи навбатда, сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва гуманитар соҳаларда кўп қиррали ҳамкорликнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда шериклик жадал ривожланиб бораётгани ва турли даражадаги алмашинувлар фаоллашгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Хусусан, ўтган йил якунларига кўра, Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан ўзаро савдо ҳажми сезиларли даражада ортди. Германия, Франция, Италия, Бельгия, Венгрия ва Европанинг бошқа давлатлари етакчи компаниялари иштирокида муҳим инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда, қўшма корхоналарнинг умумий сони эса бир мингдан ошди.

Бундан ташқари, асосий молиявий институтлар, жумладан, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Европа инвестиция банки билан самарали ҳамкорлик кенгаймоқда.

Инсон капитали ҳамда фуқаролик жамияти институтлари, фан, маданият ва таълимни ривожлантириш масалалари бўйича муваффақиятга эришилгани алоҳида қайд этилди.

Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги янги битимни қабул қилишга тайёргарликни йил охирига қадар яқунлаш мақсадида ушбу ҳужжат лойиҳаси бўйича фаол музокараларни давом эттиришга келишиб олинди.

Европа кенгаши президенти Ўзбекистонда коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кураш ва пандемиянинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотларга салбий таъсирини камайтириш бўйича қўллаб-қувватлаш мисли қатъий чора-тадбирларни юксак баҳолади ва тўлиқ қўллаб-қувватлади.

Шарль Мишель Европа Иттифоқи ушбу глобал хатарга қарши курашишда Ўзбекистонга зарур ёрдам кўрсатишга тайёргарлигини билдирди, мамлакатимизга ушбу мақсадлар учун молиявий-техник кўмак ажратиш тўғрисида қарор қабул қилингани ҳақида хабар қилди.

Суҳбатда минтақавий аҳамиятга молик масалалар ҳам алоҳида қўриб чиқилди.

Европа кенгаши президенти Марказий Осиёда катта ижобий ўзгаришлар рўй бергани ва минтақа мамлакатларининг умумий саяё-ҳаракатлари билан эришилган дўстлик ва ишонч, яхши

қўшничилик ва шериклик муносабатларининг бугунги даражасини катта мамнуният билан қайд этди. Унинг таъкидлашича, ушбу сезиларли муваффақиятлар Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича янги стратегияси мақсад ва вазифаларига тўлиқ мос келади.

Биринчи навбатда, савдо, инвестиция, инновация, транспорт ва энергетика соҳаларида дастур ва лойиҳаларни илгари суриш орқали бутун минтақанинг ўзаро боғлиқлигини кучайтириш ва барқарор тараққиёт мақсадида биргаликда фаол ишлаш муҳимлиги қайд этилди. Шу боис, йил якунига қадар минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштиришга қаратилган биринчи галдаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича вазирларнинг кўп томонлама конференциясини ўтказиш масаласи қўриб чиқилди.

Телефон мулоқоти чоғида, шунингдек, халқаро аҳамиятга молик қатор масалалар ҳамда бўлажак олий даражадаги тадбирлар режаси муҳокама қилинди.

Мулоқот якунида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Европа кенгаши президенти Шарль Мишель Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги конструктив мулоқот ва кенг қўламли ҳамкорликни ривожлантиришга интилишлари қатъий эканини таъкидладилар.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

СИРИЛ МЮЛЛЕРНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА



Мамлакатимиз иқтисодиётида кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш ва устувор тармоқлардаги модернизация дастурларини рўёбга чиқаришда стратегик шерик ҳисобланган Жаҳон банки гуруҳи билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги кўп қиррали ва самарали ҳамкорликни шакллантириш ва ҳар томонлама мустақамлашга, банк-молия, солиқ-бюджет, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалардаги туб ўзгаришлар жараёнига қўлаб-қувватлаш шахсий ҳиссаси, шунингдек, йирик инвестиция

ва инфратузилма лойиҳаларини рўёбга чиқариш борасидаги амалий кўмаги, Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини ошириш йўлидаги улкан саяё-ҳаракатлари ҳамда Марказий Осиёда дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли шерикликни чуқурлаштиришга қаратилган ташаббусларни фаол қўллаб-қувватлаётгани учун Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё минтақалари бўйича вице-президенти Сирил Мюллер Ўзбекистон Республикасининг «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 20 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз асрлар давомида эзгулик, саховат, сабр-қаноат, меҳр-шафқат оғи сифатида нишонлаб келган муборақ Рамазон ойи бу йил бутун дунёда коронавирус инфекцияси тарқалиши оқибатида юзага келган мураккаб эпидемиологик вазият давом этаётган оғир бир даврга тўғри келмоқда. Ана шундай қийин шароитда ҳам муқаддас динимиз буюрган ибодат амалларини уйда, оила даврасида адо этиб келаётган юртимиз мўмин-мусулмонлари ушбу фазилатли ойни Яратганнинг чексиз раҳмати ва магфиратининг белгиси сифатида, эртанги кунга катта ишонч ва хурсандчилик билан кўтиб олмақда.

Муборақ Рамазон ойининг жамиятимиздаги маънавий-руҳий барқарорликни мустақамлаш, ҳозирги мураккаб синов ва машаққатларни халқимиз, бутун жаҳон аҳли билан ўзаро бирлик ва ҳамжихатликда энгиб ўтишдаги аҳамиятини инобатга олган ҳолда ҳамда муқаддас ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини, унинг тинчлик, бағрикенглик, шукроналик каби олижаноб ғояларини кенг тарғиб этиш, диний-маъ-

рифий, маданий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида:

1. 2020 йил муборақ Рамазон ойининг бошланиши **24 апрель** кунига қўйилиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари ўзаро ҳамкорликда Рамазон ойининг **карантин қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда, уй шароитида, оила даврасида ўтказилиши** учун зарур шароитларни яратишга йўналтирилган барча чора-тадбирларни амалга оширсин.

Айниқса, ёрдамга муҳтож ва эҳтиёжманд шахсларни ҳар томонлама

қўллаб-қувватлаш, оилалар ва маҳаллаларда меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустақамлаш билан боғлиқ ташкилий чора-тадбирларни янада кучайтиришга алоҳида аҳамият берилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мавжуд эпидемиологик шароитдан келиб чиқиб, диний-маърифий руҳдаги онлайн суҳбат ва маърузалар ташкил этиш, бу йилги Рамазон ойини уй шароитида ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 20 апрель

АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯСИ ҲАМДА ҚУРИЛИШ ВА ИНФРАТУЗИЛМА ТАРМОҚЛАРИ ФАОЛИЯТИ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 апрель кунги саноат, қурилиш ва инфратузилма тармоқлари корхоналарининг тўлиқ ишлашини таъминлаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказди.

Мамлакатимизда коронавирус эпидемиясига қарши ўз вақтида қўрилган чора-тадбирлар натижасида қўллаб-қувватлаш бу хавфдан сақлаб қолинди. Шунга қарамай, аксарият вилоят ва туманларда корхоналар ўз ишини тўхтатган ёки тўлиқ қувват билан ишламаяпти. Бу ҳолат ҳудудлар иқтисодиёти ва ижтимоий соҳага, оддий қилиб айтганда, аҳоли ҳаётига салбий таъсир қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари йиғилиш аввалида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида тўхталиб ўтди.

Вактинча ишламаётган ва ёрдамга муҳтож оилаларни аниқлаб, уларни манзилли асосда озик-овқат ва дори-дармон билан таъминлаш кўламини янада кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Ҳозирги пандемия шароитида иш-сизлар, ёрдам ва кўмакка муҳтож аҳоли сони ортиши табиий. Турли мамлакатлар касаллиққа қарши курашиш баробарида иш жойларини сақлаб қолиш ва иқтисодиёт кескин таназзулга учрамаслиги учун бор имкониятларни ишга солмоқда.

Бутун дунёда бўлгани каби бу мураккаб жараён Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Албатта, халқимизни таъминлаш учун ҳам, иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш учун ҳам мамлакатимизнинг захиралари ва имкониятлари етарли.

Шу боис, Президентимиз халқимизнинг тарихий ва маънавий қадриятларини, меҳр-саховат, оқибат ва ҳиммат каби юксак фазилатларини инобатга олган ҳолда, “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатини йўлга қўйиш ташаббусини илгари сурди.

— Яқин кунларда барчамиз учун муқаддас бўлган Рамазон ойи қилиб келади. Бу ойда эҳтиёжманд ва

муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатиш ҳам қарз, ҳам фарздир. Шунинг учун ушбу муқаддас ойда ҳар бир тадбиркор ўзи фаолият юритаётган ҳудудда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини, аввало, маҳалладошлари, қўни-қўшнилари фаол қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқ, — деди давлатимиз раҳбари.

Бунинг натижасида Рамазон ойида амалга оширилмаган эҳсон ва хайриялар манзилли бўлади, ифторликларга сарфланмаган маблағлар ва озик-овқат маҳсулотлари аҳолининг кам таъминланган қатламларига йўналтирилади.

Имкониятидан келиб чиқиб, қайсидир тадбиркор бир ойда мисол учун, 10 та, бошқа бири эса 20 та оилаларга кўмаклашиши, энг муҳими, муҳтож оилалар аъзоларини ишга жалб қилиши мумкин. Давлат томонидан ўз навбатида, бундай тадбиркорларга солиқ, лизинг, кредит тўловлари, зарур ресурслар билан таъминлаш бўйича турли имтиёз ва преференциялар берилди. Яъни, бу аҳолига давлат томонидан тадбиркорлик субъектлари орқали кўрсатиладиган саховат ва кўмак бўлади.

Бу жараёнда йирик корхоналар, уларнинг жойлардаги тарихий бўлинмалари, фермерлар ва кластер хўжаликлари ҳам иштирок этишга қатъий ҳиммат қилишлари мумкин.

Ушбу ташаббус Савдо-саноат палатасининг жойлардаги бўлимлари, банклар, ижтимоий муҳофаза идоралари ҳамкорлигида амалга оширилиши белгиланди.

— “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати давлатимиз ва халқимиз қудратининг амалий намоёнига айланишига ишонаман, — деди Президентимиз.

Мавзунинг давом эттирилган экан, давлатимиз раҳбари Республика ко-

миссиясига коронавирус умуман аниқланмаган ёки эпидемиологик вазият яхшилانган вилоят, туман ва шаҳарларда карантин чекловларини босқичма-босқич юмшатиш чораларини кўриш бўйича топшириқ берди. Фаолияти тикланмаган объектларда ишлар санитария-гигиена қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда ташкил этилади.

Аҳоли бандлиги ва иқтисодий барқарорлиқни таъминлаш борасида катта имкониятларга эга “драйвер”лардан бири қурилиш соҳаси ҳисобланади. Хусусан, бу тармоқ 1 миллион 325 минг нафар аҳолини иш билан таъминлайди, бошқа саноат йўналишлари учун ҳам талаб яратди. Шу боис, карантин даврида қурилиш ҳажми камайишига йўл қўймастик мақсадида бу соҳага қўшимча 3,6 триллион сўм маблағ ажратилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида қурилиш ишлари ҳажми 6,5 фоизга ўсган бўлса-да, ўтган йилнинг шу давридан 4 фоизли бандга орқада қолмоқда.

Йиғилишда қайд этилганидек, карантин қоидаларига тўлиқ риоя қилган ҳолда, барча қурилишларни давом эттиришга рухсат берилди. Ички ишлар вазирлигига соҳа корхоналари ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчиларнинг ҳаракатланишига шароит яратиш вазифаси қўйилди.

Жорий йилда 30 минг хонадонли кўп қаватли уйлар фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Лекин 25 та шаҳарда бунинг учун ер майдонлари ҳалигача ажратилмаган. Ипотека кредити олиш бўйича аризаларни қўриб чиқишда ҳам сусткашликка йўл қўйилган.

Йиғилишда бу камчиликларни тез кунларда бартараф этиш, кўп қаватли уйлар учун ерни аҳоли талаблари юқори бўлган ҳудудлардан ажратиш зарурлиги таъкидланди.

Давоми 2-бетда

Бугуннинг гапи

УМУМБАШАРИЙ ИМТИҲОН

Убайдулла УВАТОВ,

Имом Термизий халқаро тадқиқот маркази директори, тарих фанлари доктори, профессор

Коронавирус пандемияси туйғайли дунёда вужудга келган вазиятни бутун инсоният бошдан кечириётган имтиҳонга менгизгим келади. Зеро, бир жиҳатдан, бу синовдан бирон-бир юрт ёки халқ четда қолмаётган бўлса, иккинчи тарафдан, ушбу оғат келтириб чиқараётган муаммолар бамисоли барчамизнинг инсоний туйғуларимиз нечоғлиқ холис эканини текшириб кўрмоқда, дейиш мумкин.

Чин инсоннинг моҳиятини белгилайдиган эзгу фазилатлар — илму ҳикмат, сабру қаноат, меҳру мурувват, хайру саховат, вазминлигу бардошлилик, тадбиркорлигу бағрикенглик ва ҳаётий-инсоний маънавий устуңлари бўлиши бошқа гўзал сифатлар айнни кунларда алоҳида аҳамият касб этгани шубҳасиз. Яратганга беадад шукрлар бўлсинки, У халқимизни бундай улуг имтиёзларга бой қилиб қўйган.

Тарихга назар солинса, ҳар қандай жамият бошига қийин кунлар тушганда муайян омиллар аҳамиятининг кескин ошганига ғувоҳ бўлиш мумкин. Улардан бири бундай вазиятларда маърифатли ва донишманд инсонларнинг сўзи ва амалининг қиймати билан боғлиқдир. Яъни, оммавий ноҳушлик ва ташвиш шароитида кенг омманинг эътибори эп-ўрт рағнақига қўшган алоҳида ҳиссаси билан ҳурмат қозongan кишиларга қаратилади. Уларнинг янги воқеликка

муносабати, унинг ижобий ёки салбий тарафларига бераётган баҳоси бамисоли йўлчи юлдуз мақомини касб эта бошлайди. Халқимизнинг “ўн қўшчига — бир бошчи” деган улуг ҳикмати айнан ана шунинг маҳсули бўлса, ажаб эмас. Қиссадан ҳисса шуки, бугун “мен ватанпарвар зиёлиман” деган марди майдонларнинг фаоллиги эртанги тинчлигимиз хотиржамлигимизни таъминлашнинг ҳаётий ва таъсирчан воситаларидан бирига айланди. Мени ҳам айнни шу кайфият қўлга қалам олиш ва кўнгилдаги инсоний мулоҳазаю туйғулар билан ўртоқлашишга ундади...

Илму маърифат излаш ва уни халққа етказиш давомида йиғилган кўп йиллик тажрибам шундан далолат бермоқдаки, инсоният, жумладан, юртимиз ҳам, бундай қийин вазиятга илк бор рубару келатгани йўқ. Бундан-да аянчлироқ оқибатларни келтириб чиқарган не-не қиргин,



баротлар, ўлату вабодлардан устун келган Ҳазрати Инсон навбатдаги ёвни, гарчи у кўз илғамас маккор бўлса-да, албатта, енишига шубҳа йўқ. Ана шундай бўлиши муқаррар эканининг исботлари фақат ҳаётий тажрибаларда ўз ифодасини топиб қолмасдан, балки улар маънавиятимизнинг умуртка суяги бўлган диний-ақидавий қадриятларимизда ҳам қўллаб топилади. Мазкур маънода муқаддас динимизнинг сарчасмаси — Қуръони каримнинг Бақара сураси 155 ояти матнини келтиришнинг ўзи қифоя: “Сизларни бироз хавф-хатар, очлик (азоби) билан, молу жон ва мева(лар)(ҳосили)ни камайтириш йўли билан синаймиз. (Шундай ҳолатларда) сабр қилувчиларга хушхабар беринг (эй Мухаммад)!”

Давоми 2-бетда

АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИ ҲАМДА ҚУРИЛИШ ВА ИНФРАТУЗИЛМА ТАРМОҚЛАРИ ФАОЛИЯТИ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Бошланиши 1-бетда

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан хусусий пудрат ташкилотларига кредитларнинг фоиз харажатларини қисман қоплаш ва кредит суммасининг 50 фоизига кафолат бериш механизми жорий этилиши белгиланди.

Янги тартиб асосида берилаётган ипотека кредитлари муддати 15 йилдан 20 йилга узайтириш, шунингдек, ипотека кредитининг энг юқори чегарасини бозор талаблари асосида кўпайтириш лозимлиги қайд этилди.

Қурилиш сифатини ошириш, соҳа корхоналари фаолиятини баҳолаш рейтингини ва электрон тендер тизимини ишга туширишни жадаллаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда қурилиш материаллари бозори билан боғлиқ масалалар ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Карантин даврида мазкур индустрия корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажми 30-40 фоизга камайган. Ўз навбатида, ҳомашё маҳсулотлари ҳам сотилмай қолган.

Шундан келиб чиқиб, "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик компаниясига биринчи ярим йилликда маҳсулот ишлаб чиқаришни 10 триллион сўм ва йил охиригача 22 триллион сўмга етказиш вазифаси қўйилди. Бу кўрсаткичларни таъминлашда экспорт бозорлари асосий имконият ҳисобланади.

Импорт ўрнини босувчи маҳаллий қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Юртимизда бунинг учун зарур ҳомашё олиш мумкин бўлган 275 та истиқболли кон мавжуд. Мисол учун, Ҳозорда 52 миллион долларлик 14 та лойиҳа ишга туширилмоқда. Президентимиз конларни ўзлаштириш орқали шундай самарали лойиҳаларни кўпайтириш зарурлигини таъкидлади.

Жорий йилда энергия тежамкор қурилиш материаллари тайёрлаш бўйича 7 та лойиҳани ишга тушириш, келгусидаги объектларни лойиҳалашда ушбу маҳсулотлардан фойдаланишни назарда тутиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Карантин даврида муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси

қурилишига Инқирозга қарши кураш жамғармасидан қўшимча 1,5 триллион сўм, хусусан, сув таъминоти бўйича 55 та лойиҳага 500 миллиард сўм ва йўл қурилиши бўйича 1 минг 547 та лойиҳага 1 триллион сўм маблағ ажратилди.

Йиғилишда бу лойиҳаларнинг ижроси ҳам кўриб чиқилди. Пудратчиларни аниқлаб, қурилиш ишларини тез фурсатларда бошлаш муҳимлиги қайд этилди.

Пандемия сабабли халқаро молия ташкилотлари маблағлари иштирокидаги лойиҳалар ҳам тўхтаб қолган эди. Хусусан, ичимлик суви тизимини яхшилаш ҳамда йўл қурилиши соҳасида шундай муаммолар мавжуд.

Ҳозирги вазиятдан келиб чиқиб, бундай лойиҳаларга тендер орқали маҳаллий пудрат ташкилотларини ҳам жалб қилиш бўйича тавсиялар берилди.

Давлатимиз томонидан маҳаллий бюджетлар даромадини ошириш, хусусан, йўл қурилиши учун маблағларни шакллантиришга барча шароитлар яратилди. Энди ҳудудлар республикадан маблағ келишини кутиб ўтирмасдан, ички йўлларни ўзлари таъмирлаши зарурлиги айтиб ўтилди.

— Умуман олганда, уй-жой қурилиши бўладики ёки инфратузилма объектларини, қурилиш соҳаси янги иш ўринларини яратиш, бозорда талаб ва таклифни шакллантириш, пировардида иқтисодий ўсишни таъминлаш учун катта имконият ва заҳира ҳисобланади. Тармоқ раҳбарлари бугунги йиғилишда ўзларига юклатилган масъулиятни чуқур ҳис этиб, ишни тўғри ташкил этсалар, иқтисодий инқироздан имкон қадар кам йўқотишлар билан чиқамиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари қайси соҳани муҳокама қилмасин, қандай қарорга қўл қўямасин, энг аввало, бу оддий одамларга нима беради, деган нуқтаи назардан келиб чиқиб иш тутайди. Бугунги видеоселекторда берилган топшириқлар, белгиланган вазифалар ҳам одамларни иш билан таъминлаш, даромадини ошириш, бунёдкорлик ишларини давом эттириб, юртимизни янада фаровон қилишга қаратилгани билан аҳамиятли.

ЎЗА

Бугуннинг гапи

УМУМБАШАРИЙ ИМТИҲОН

Бошланиши 1-бетда

Бугун Курраи замин бўйлаб ривожланаётган ва барчани бирдек хавотирга солаётган жараёнлар Яратганининг ушбу сўзлари билан тўлиқ уйғунлигини фақат қалби кўр кишигина инкор этиши мумкин.

Демак, синов давридан қандай ўтиш эртамизнинг мазмун-моҳиятини тиниқлаштирадиган белгидир. Модомики шундай экан, бугунги воқеликнинг бош тақозоси вазминлик ва мулоҳазакорлик бўлиши лозим. Эҳтиёткорлик, албатта, зарур, эл-юрт хавфсизлигини кафолатлаш йўлидаги умумийлик тадбирларини ҳамжиҳатликда амалга ошириш ҳам шу қадар муҳим. Аммо ваҳимага берилиш, вирус юзга чиқараётган айрим нохушликлардан умидсизликка тушиш, уларни муболағали тарзда талқин қилишга мойилликка зинҳор-базинҳор йўл қўйиб бўлмайди. Ана шундай ўйлар келганда, дунёдаги муайян юртлар ва минтақаларни эслайлик. Масалан, уларнинг айримларида деярли ҳар қуни зилзила-лар бўлиб туради, ҳечам қутилмаганда улар кучайиб, катта вайронагарчилик, ҳатто қурбонларга сабаб бўлади. Лекин бундан одамлар талвасага тушмайди-лар, аксинча, буни Яратганининг қудрати кўринишларидан бири сифатида қабул қилиб, она табиатнинг бундай инжиқликларига қўничи яшашни ўрганадилар.

Қолаверса, ана шундай юртлар тараққиётнинг ибратли моделларини яратмоқдалар, бошқалар уларга ҳавас билан қарамоқда, улар эришган юксак марраларга интилиб яшамоқда. Ушбу фикрнинг исботи сифатида биргина Японияни мисол келтиришнинг ўзи қифоя.

Мамлакатимиздаги бугунги воқелик барчамизни эртанги кунга ишончимизни мустаҳкамламоқда дейилса, фикри оқинимча, асло муболаға бўлмас. Тўғри, вирус бизга ҳам кириб келди, унга чалинганларнинг сони аста-секинлик билан бўлса-да, ўсиб бормоқда. Аммо том маънодаги халқларар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мисли қурилмаган саъй-ҳаракатлари ва фидокорлиги натижасида, ҳукумат ва бошқа умумийлик тузилмаларнинг аниқ ва пухта ўйланган режага асосланган тизимий фаолияти туфайли хатарли вируснинг тарқалиши имкон қадар жиловланмоқда.

Юртимизда амалга оширилаётган ишларни мушоҳада қилар экансан, тарозининг палласига қўйилган халқимиз соғлиғи ва хавфсизлигини таъминлаш вазифасининг салмоғи ҳар қандай бошқа юмуш, ҳатто, иқтисодий ривожланиш эҳтиёжларидан-да кўра, залворлироқ бўлаётганига амин бўласан. Инсон



саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш каби ҳайрли мақсадга эришиш йўлида ҳар қандай маблағ ва жидду жаҳдни аямаслик давлатимиз сиёсатининг қўқ юрагига айланганини кўриб, халқимиз хотиржамлиги, турмушимиз фаровонлиги ва тўқислигига ҳеч қандай вирус осонликча таҳдид соломаслигига ишончи ортади кишининг.

Бундай ҳулосанинг ҳолислиги исботлари сифатида юртимизда коронавирга чалинганлар сонидан кескин ўсишнинг кузатилмаётгани, пайдо бўлаётган ҳолатлар юзасидан тезкор амалий чоралар кўрилаётгани, зарурат туғилиб қолган тақдирда беморларни жойлаштириш учун лозим бўлган қўшимча янги тиббий муолажа муассасаларининг тезкорлик билан қурилаётгани ва яна кўплаб ибратли ишларни кўрсатиш мумкин. Тарих ҳақиқати шундайки, энг оғир вазиятлардан соғ-омон чиққан миллат ва халқларнинг, албатта, ишончли раҳамоси бўлган ва кенг омма унинг атрофида жипслашган. Яратганга беадад шукрлар бўлсинки, бугунги мураккаб шароитларда халқимиз ана шундай фидойи ва иқтидорли йўлбошчи билан сийлаб қўйди!

Аммо "шоли курмаксиз бўлмайди" деганларидек, яккам-дуқкам бўлса-да, пандемияга қарши умумийлик курашдаги ҳамжиҳатликка пугур етказиши мумкин бўлган ҳатти-ҳаракатлар ҳам кўзга чалиниб қолаётгани кўнгилни хижил қилади. Бунинг оддий мисолларидан бири — ҳар бириимизнинг хавфсизлигимизни кафолатлаш учун ўрнатилган умумий тартиб-қоидалар, жумладан, карантин билан боғлиқ вақтинчалик чекловларнинг бузилиши ҳамон давом этаётгани, ё бўлмаса, ниятда оддий бўлган ижтимоий масофага риоя қилиш талабларини назар-писанд қилмаётганлар учраб тургани ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Афсуски, коронавирга билан боғлиқ маълумотларни билиб-билмай сохталаштириш, ҳатто, уларни муболағали кўринишларда тарқатишга ури-наётганлар ҳам топилиб турибди. Реал воқеликка ишончсизлик билан қараб, ваҳимага тушиб қолаётганлар ҳам йўқ

эмаслиги бундан-да аянчлироқ...

Бундай ҳолатлар қулқоқ чалинганда бир ибратли араб ривояти ёдимга келади. Бир киши кўчада кетаётган экан, рўпарасидан вабо чиқиб қолибди. "Йўл бўлсин?" деб сўрабди у вабодан. "Бағ-додга кетаяпман" деб жавоб берибди вабо. "Кўпчилики олиб кетасани?" деб сўрабди у одам. "Йўқ, — деб жавоб берибди вабо, — бор-йўғи беш минг кишини". Орадан бир йил ўтган, ҳалиги одам яна вабо билан тўқнашиб қолибди. "Беш минг кишини олиб кетаман деган эдинг, лекин беш юз минг киши нобуд бўлди-ку!" дея хитоб қилибди у. Вабо эса, "Йўқ мен, айтганимдек, беш минг кишини олиб кетдим, холос. Бошқалар ваҳимадан ўлди" деган экан... Ўйлашимча, бу каби ривоятлар онда-сонда бўлса ҳам ҳаётимизда учраб турадиган салбий маънодаги лофчилар учун ибрат бўлиши лозим. Ҳар қандай соғлом фикрли киши бундай салбий ҳолатларга бефарқ бўлиши мутлақо ноқоиждир. Динимиз буюрган амри маъруф ва наҳий мункар, яъни эзгуликка рағбатлантириш ва рад этилган (салбий) ҳатти-ҳаракатлардан қайтариш барчамизнинг зиммамиздаги инсоний мажбурият эканини асло унутиб бўлмайди. Бу мулоҳаза, айниқса, ҳаётини тажрибаси ҳали кам ёшлар билан мулоқотларимизга дахлдордир. Ахир, биз ёшларга сабоқ бермасак, улар ҳаётини тажрибани қайдан олсин...

Онгли ҳаётимизнинг анчагина йилларини муқаддас динимиз сарчасмалари, хусусан, ҳадиси шарифларни ўрганишга бағишладим. Узоқ муддат давом этиб келаётган бундай изланишлардан чиқарган асосий ҳулосам шу бўлдики, ислом таълимотининг туб моҳиятини инсон манфаатларини имкон қадар безарар ва тўлиқ рўёбга чиқариш ташкил этади. Шунинг учун қуръоний оятларда ҳам, ҳадиси шарифларда ҳам одамларнинг энг яхшиси бошқаларга кўпроқ нафи тегадигани, ўзига раво кўрган эзгуликни биродарига ҳам илинадигани, ҳар қандай фитна ва қабохатдан йироқ бўладигани, бировга яхшилик қилмоқнинг нечоғлиқ улугъ фазилат экани ҳақидаги ибратли

ҳикмат ва насихатлар марказий ўринни эгаллагандир.

Айтиш жоизки, кўринмас ёв бутун дунё бўйлаб инсон зотиға бирдек ҳамла этаётган бугунги қалтис шароитларда айни зикр этилган фазилатларга бўлган эҳтиёж ўзини тобора яққолроқ намён қилиб бормоқда. Зеро, шароит тақозосига кўра, ёрдамга эҳтиёжманд тоифаларнинг аҳоли бугун ҳар доимидан-да кўра, мушкулроқдир.

Айниқса, серфарзанд ва моддий қўмакка муҳтож бошқа тоифалар, жумладан, турли сабабларга кўра, якка-ёлғиз қолган ва уйдан ташқарига чиқиши мушкул бўлган қариялар ва ногиронларнинг ҳолатини чиқаришга бўлган зарурат кун сайин ортиб бормоқда.

Шу муносабат билан халқимизнинг энг улугъ фазилатларидан бирини савобли амалларни кўпроқ қилишга интилиш ташкил этишини эсламоқчиман. Оммавий ахборот воситалари орқали гувоҳи бўлаётганимиз хайр-эҳсонга қўл ураётган ишбилармонлару оддий одамларнинг бу соҳадаги фаоллигини кўриб, кўнгилм йрайди! Ибратли миллий ва диний қадриятларимиз ҳаётини мақоминининг жадал тикланиб, тобора мустаҳкамланиб бораётганига амин бўламан, шундай юрт аҳлидан эканимдан қалбим ифтихор туйғуларига тўлиб-тошади!

Бугун муборак Рамазон ойининг оstonасида турибмиз. Пайғамбар алайҳиссаломнинг машҳур ҳадисларидан бирида ҳар қандай ишнинг натижаси қилинган ниятга мувофиқ бўлади, дея таъкидланади. Зикр этилган ой поклик ва мусаффолик, яхшилик ва барокот, саховат ва муруват палласи бўлиши баробарида, чин кўнгилдан қилинган эзгу дуоларнинг мустаҳаб этилиши ваъдаси билан ҳам эътиборлидир. Шунинг учун ҳам мўмин-мусулмонлар ушбу ой давомида дуоий хайрлар қилиб, келгуси йили унга яна етишга мушарраф этишини Аллоҳдан илтижо қиладилар. Халқимизни мазкур улугъ муносабат билан самимий қутлаган ҳолда, инсоният бошига тушган офатдан барчамизни тез фурсатларда халос этишини Яратгандан сўраб қоламан.

ПАНДЕМИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ

БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
17 АПРЕЛЬ КУНИ КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ХАЛҚАРО МОЛИЯ ИНСТИТУТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНГАН ЙИҒИЛИШ ЎТКАЗДИ.

Жорий йилда халқаро ва хорижий молия институтлари томонидан йўналтирилган 2,7 МИЛЛАРД ДОЛЛАРНИ ўзлаштириш режалаштирилган. Уларнинг асосий қисми Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ҳиссасига тўғри келади.



Давлатимиз раҳбари бу маблағларни, биринчи навбатда, мева-сабзавотчилик, озиқ-овқат саноати ва экспортни рағбатлантиришга йўналтириш зарурлигини таъкидлади.

Пандемия шароитида тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш учун 700 МИЛЛИОН ДОЛЛАР жалб қилиш кўзда тутилмоқда.

Коронавирус пандемиясига қарши курашиш чора-тадбирлари учун донор ташкилотлар билан қўшимча грант келишувлари имзолаш муҳимлиги қайд этилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигига бирламчи ва тиббий ёрдам лойиҳалари доирасида Осиё тараққиёт банки ҳамда Жаҳон банкининг 30 МИЛЛИОН ДОЛЛАР маблағи эъзига ўқани сунъий вентиляция қилувчи 2 МИНГ 300 ТА АППАРАТ ВА БОШҚА УСКУНАЛАР сотиб олиш вазифаси қўйилди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ЙИРИК ФАРМАЦЕВТИКА КЛАСТЕРИ ҚУРИЛАДИ



Айниқса, бу ерда малакали кадрлар тайёрлаш, олимларимизнинг кашфиётлари асосида янги турдаги ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ кўзда тутилган МАҲАЛЛИЙ ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИНИНГ ЖАҲОН БОЗОРИГА ЧИҚИШИГА КЕНГ ЙЎЛ ОЧАДИ.

Умумий қиймати 279 МИЛЛИОН ДОЛЛАРга тенг кластер технопарк ва саноат зонасидан иборат бўлади. Технопарк ҳудудида академик, илмий ҳамда ДОРИ-ДАРМОНлар ишлаб чиқарадиган секторлар жойлашади.

РАҚАМЛИ ТИББИЁТ, телемедицина, тиббиёт соҳасида кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, корейлик шифокорлар иштирокида юртимиз аҳолисини юқори малакали тиббий қўриқдан ўтказиш Ўзбекистон — Жанубий Корея ҳамкорлигининг муҳим йўналишини ташкил этади.

"TASHKENT PHARMA PARK" инновацион кластерини барпо этиш мамлакатимиз тиббиёти ва фармацевтика соҳасидаги улкан лойиҳа.

Зангиота туманида 79 ГЕКТАРЛИК ЕР майдонида 14 ТА ИНВЕСТИЦИОН лойиҳани амалга ошириш орқали Марказий Осиё минтақасида ягона замонавий фармацевтика кластери ҳамда 1700 ДАН ОРТИҚ ЯНГИ ИШ ЎРНИ яратилади.



Корея Республикаси ЭКСИМБАНКнинг Иқтисодий тараққиёт ҳамкорлик фонди билан 136 МИЛЛИОН АҚШ ДОЛЛАРИ миқдоридаги узоқ муддатли кредит ёрдамида кластернинг илмий ва таълим тузилмаларини молиялаштириш ҳақида келишувга эришилди.



Шунингдек, саноат зонасида Корея, Чехия ва Украинанинг етакчи фармацевтика компаниялари томонидан қиймати 80 МИЛЛИОН ДОЛЛАР бўлган инвестиция лойиҳалари амалга оширилади.



АКАДЕМИК АБДУЛЛАЕВ ЖЎРА

Мамлакатимиз илм-фани оғир жудолукка учради.

Ахборот технологиялари соҳасида йирик олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Жўра Абдуллаев шу йил 18 апрель кун 93 ёшида вафот этди. Жўра Абдуллаев 1927 йил 21 февраль кун Тошкент шаҳрида туғилди.

1953 йилда Ўрта Осиё политехника институтини (ҳозирги Тошкент давлат техника университети)ни тугатиб, Россия Фанлар академиясининг Автоматика ва телемеханика институтини аспирантурасида тахсил олди. 1959 йилда номзодлик, 1974 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1989 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги этиб сайланди.

Жўра Абдуллаев ўз меҳнат фаолиятини 1956 йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг Энергетика ва автоматика институтининг кичик илмий ходими сифатида бошлади. Ушбу масканда катта илмий ходим, лаборатория мудирини лавозимларида самарали меҳнат қилди. Кейинчалик Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент электротехника ва алоқа институтини (ҳозирги Тошкент ахборот технологиялари университети) ректори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти вазифасини бажарувчиси, механика ва информатика фанлари бўлими раиси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази бош илмий ходими каби масъул вазифаларда самарали хизмат қилиб, мамлакатимизда малакали илмий кадрлар тайёрлаш, замонавий илм-фан тармоқларини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшди.

Заҳматкаш олимнинг ахборот технологиялари соҳасининг назарий ва амалий масалаларига бағишланган кўплаб



мақолалари, китоб ва монографиялари юртимиз ва хорижий мамлакатлар илмий жамоатчилиги ўртасида яхши маълум. Унинг бир қатор илмий ишланмалари иқтисодийлик тармоқларида муваффақиятли қўлланиб келинмоқда.

Жонқуяр устоз, моҳир педагогнинг бевосита раҳбарлигида ўнлаб фан номзодлари ва фан докторлари тайёрланган.

Академик Ж.Абдуллаевнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби” фахрий унвони, “Меҳнат шухрати” ордени ва “Шухрат” медали билан мукофотланган эди.

Атоқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Жўра Абдуллаевнинг хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш.Мирзиёев, Т.Норбоева,
Н.Исmoilов, А.Арипов,
Б.Йўлдошев, И.Абдурахмонов

Қулайлик

Коммунал хизматлар учун пул тўлашнинг учинчи усули

Соҳиба МУЛЛАЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Карантин барча соҳа сингари коммунал тўловларни тўлаш тизимида ҳам рақамлаштириш жараёнини тезлаштирмоқда. Энди фуқаролар телеграмдаги @mibuzbot боти орқали нафақат қарздорлик ҳақида маълумот олади, балки уйдан чиқмасдан туриб, коммунал тўловларни тўлаши мумкин.

Пандемия сабаб эълон қилинган давлатда вазият аксарият фуқароларнинг уйда ўтиришини талаб этди. Бу эса ўз-ўзидан газ ва энергия ресурсларига эҳтиёжини оширади. Истеъмол бор жойда тўлов ҳам бўлиши керак. Бадалларнинг ўз вақтида тўланмаслиги эса қарзнинг кўпайишига олиб келади. Шунинг учун ҳисобга олган ҳолда йўлга қўйилган мазкур бот тезкорлиги ва қулайлиги билан бошқа тўлов турларига нисбатан самаралироқдир.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 августдаги “Давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда қўриқиб ва ҳисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида интерактив давлат хизматлари кўрсатиш ва кўрсатилмаётган ана шундай хизматларни кенгайтириш белгилаб берилган эди, — дейди Бош прокуратура ҳўзурдаги Мажбурий ижро бюросининг АКТ маркази директори ўринбосари Алишер Ваҳобов. — Шунингдек, юридик ва ҳисмоний шахсларнинг интерактив давлат хизматларидан сифатли фойдаланишини таъминлаш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш йўли билан давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари қўзда тутилган эди. Одатда аҳоли учун иккита тўлов усули бор. Биринчиси, истеъмолчининг ўзи коммунал идорага келиб тўлайди ёки ҳодимимиз одамларнинг уйига бориб, қарзни ундиреди. Иккинчиси, www.mib.uz сайти орқали тўлаш имкониятидир. Очинини айтганда, шу пайтгача биринчи усулдаги тўлов етакчи бўлиб, фуқаролар кўпроқ юзма-юз кўриб тўлашнинг афзал биларди. Тўлов турлари ва имкониятлари кенгайиши натижасида айни пайтда онлайн тўланган сумманинг 90 фоиздан кўпроги телеграм бот ҳиссасига тўғри келади.

Баъзида эътиборсизлик, баъзида эса ҳафсаласизлик оқибатида коммунал хизматларни қарзга ишлата бошлаймиз. Ҳоҳида масъул ташкилотлар эслатадиганича, идораларга бориб тўлашга эринамиз. Телеграм бот орқали ҳоҳлаган пайтда истеъмол ва қарздорлик тўғрисидаги

маълумотларни олиш мумкин. Бунинг учун фуқаролар фойдаланилган коммунал хизматлар бўйича қарздорлигини кўриши ва ҳисоблагич кўрсаткичларини фотосуратга олиб, ушбу бот орқали мажбурий бюронинг давлат инспекторига жўнатиши керак. Инспекторлар абонентлар юборган суратларни қабул қилиб, кўрсаткичларни тасдиқлайди ва уларни махсус базага киритади.

Шунингдек, Мажбурий ижро бюросининг www.mib.uz расмий сайтидаги “Коммунал хизматлардан қарздорлигини аниқлаш” бўлимида охириги кўрсаткичларни жўнатиш имкони мавжуд. Фуқароларда коммунал хизматлар ёки ижро ҳўжжатлари бўйича қарздорлик юзага келса, уни Payme, Paynet, Click, UPay ва бошқа мобил тўлов тизимлари ёрдамида тўлаш мумкин.

— Телеграмдаги @mibuzbot бундан олти ой олдин яратилган, аммо тизимда рўйхатдан ўтиш мўракабчилиги ва жараёнда таъминотчи ташкилотларнинг мўтахассислари иштироки зарурлиги сабабли, бот тўлиқ ишга туширилмаган эди, — дейди Алишер Ваҳобов. — Карантин туфайли жараён соддалаштирилиб, мазкур бот учинчи тўлов усули сифатида амалиётга тўлиқ жорий этилди. Аҳоли бу тизим орқали газ, электр энергияси ҳамда қаттиқ маийший чикиндиларни ташиб кетиш хизматлари учун пул тўлай олади.

Онлайн пул тўлаш учун дастлаб @mibuzbot га кириб, “Старт” тугмасини босиб, кейин мобил телефон рақамини улаш талаб этилади. Шундан сўнг коммунал хизмат тури, вилоят, туман (шаҳар) танланади ҳамда коммунал хизмат тури бўйича шахсий ҳисобрақам киритилади. Маълумотлар жойланганидан сўнг ушбу бот абонентнинг қарздорлиги ёки ҳақдорлиги тўғрисидаги ахборотни кўрсатади.

Кейин энергия ресурслари ҳисоблагичидаги охириги кўрсаткичлар фотосуратини юбориб, тўловларни кузатиб бориш ва қарзни тўлаш мумкин. Тўловни амалга оширишда бот орқали электрон тўлов тизимларига кириб, пластик карточка рақами, амал қилиш муддати, унга боғланган телефон рақами ва сумма киритилгач, СМС орқали келган ҳимоя кодини тасдиқлаш kifоя. Шу заҳоти тўлов амалга оширилгани маълум қилинади.

Энергия ресурслари, қаттиқ маийший чикиндиларни ташиш, оқова, иссиқ сув таъминоти корхоналари кўрсатилган хизматларга карантин даврида қарздорлик учун жарима ва пенялар қўлланилмаганидан сўнг ҳолат юзасидан судларга даъво аризалари киритилмаслиги маълум қилинган бўлса-да, тўловларни орта сурмаслик лозим. Сабаби, корхона-ташкилотлар фаолиятини вақтинча тўхтаса-да, бизнинг коммунал хизматларга эҳтиёжимиз ва истеъмолимиз камайгани йўқ. Шунинг учун фуқаро нафақат ички хотиржамлигини туяди, балки шундай вазиятда мамлакат иқтисодий ёки туризмига ҳам ҳисса қўшади.

Таҳлил



ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ва индекслар

ЎЗБЕКИСТОННИНГ жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини белгилайди



Акмал АБДУВЎХИДОВ,
Гулистон давлат университети катта ўқитувчиси

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш доирасида мамлакатимизнинг халқаро майдондаги ижобий бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб бориляпти.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида мамлакатда тегишли йўналишлар бўйича миллий рейтингларни юритишга ёрдам берадиган, амалга оширилаётган ислохотларнинг халқаро мезонлар ва стандартларга мувофиқлигини баҳолашнинг яхлит тизимини яратиш вазифаси қўйилди.

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида амалга ошираётган ислохотларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан муносиб баҳоланаётгани, хусусан, дунёдаги нуфузли нашрлардан бири — “Экономист” журнали Ўзбекистонни 2019 йилда ислохотларни энг жадал амалга оширган давлат — “Иил мамлакат” деб эътироф этганлиги барчамизга чексиз ғурур бағишлашни, янги марраларга руҳлантиришни алоҳида таъкидлади.

Ҳақиқатан шундай. Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг натижаси жаҳондаги етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан эътироф этилиши ҳаммамизга қувонч



ва ифтихор бағишлайди. Масалан, дунёдаги нуфузли “Fitch Ratings” ва “Standart & Poor’s” рейтинг агентликлари биринчи марта мамлакатимизнинг халқаро суверен кредит рейтингини белгилади. Ана шу рейтинг баҳолари “Барқарор” прогнозига эга бўлиб, бу яқин 12-18 ой давомида ушбу кўрсаткичнинг пасайиш эҳтимоли камлигини билдиради.

Ўзбекистон эришяётган бундай рейтинг баҳолари кўпгина ривожланаётган давлатларга нисбатан юқори эканини қайд этиш лозим. Ушбу агентликлар мамлакатимизда валюта, савдо ва нарх сиёсати эркинлашгани, давлат бошқарувидаги институционал ўзгаришлар, оптин-валюта ва бюджет захираси етарли эканлиги каби омилларга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Жаҳон банки “Бизнес юритиш” халқаро рейтингини доирасида охириги бир йил ичида ишбилармонликда энгилликларни назарда тутувчи энг кўп ислохотларни амалга оширган 20 та давлатни танлаб олди. Улар ичида Ўзбекистонда 5 та йўналиш бўйича амалга оширилган одимлар қайд этилди. Жаҳон банки Ўзбекистонни охириги даврда миноритар инвесторларни ҳимоя қилишни мўстаҳкамлаган, солиқлар тўлаш тизимини соддалаштирган, шартномалар ижросини амалга оширишни қучайтирган, шунингдек, ташқи савдо йўналишида сезиларли янгилликлар киритган давлат сифатида эътироф этади. Ушбу нуфузли молиявий идора медиация институтини ривожлантириш борасидаги қадамларимизга ҳам эътибор қаратиб, бу борада ягона ҳуқуқий база шаклланиганини ва медиациядан фойдаланишни рағбатлантириш механизми жорий этилганини таъкидлади. Божхона соҳасида эса ҳавф-хатарни таҳлил қилиш асосида текширувларни амалга ошириш тартиблари киритилганини ҳам маъқуллаган.

Бошқа тадқиқотлардан фарқли ўлароқ, бизнес юритиш (doing business) қулайлиги индекси фақатгина тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва юриятиш билан боғлиқ бўлган қонунлар, меъёрий ҳўжжатларни ўрганишга асосланади. Инфратузилма, инфляция, ишсизлик, жиноятчилик, бизнеснинг даромадлилик даражаси каби умумий ҳўжатлар мазкур рейтингнинг тузишда инобатга олинмайди.

“

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида амалга ошираётган ислохотларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан муносиб баҳоланаётгани, хусусан, дунёдаги нуфузли нашрлардан бири — “Экономист” журнали Ўзбекистонни 2019 йилда ислохотларни энг жадал амалга оширган давлат — “Иил мамлакат” деб эътироф этганлиги барчамизга чексиз ғурур бағишлашни, янги марраларга руҳлантиришни алоҳида таъкидлади.



World Justice
Project

Ўзбекистон 2020 йил рейтингда дунё мамлакатлари орасида 69-ўринда қайд этилган. Хусусан, мамлакатимиз бизнесни рўйхатга олиш бўйича 8-ўринни банд қилган бўлса, мулкни рўйхатга олиш бўйича 72-ўринда, қурилишга рухсат олиш бўйича 132-ўринда, халқаро савдони амалга ошириш бўйича 152-ўринда қайд этилгани бу борадаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш лозимлигини кўрсатади.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти 1999 йилдан буён Ўзбекистонга кредит рейтингини бериб келади. 2019 йилга келиб, ташкилот мамлакатимиз рейтингини 5-даражага қўтарди. Валюта сиёсатини эркинлаштириш, миллий валютани конвертация қилиш, савдо ҳамкорлари билан алоқаларни мўстаҳкамлаш, тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитларнинг яратилиши мамлакатимиз кредит рейтингининг ўсишига сабаб бўлган муҳим омиллар саналади.

The Rule of law index (Ҳуқуқ устуворлиги индекси) дунё мамлакатларида ҳуқуқий мезонларга таянган ҳолда барпо этилган ҳуқуқий муҳитнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатланишига қай даражада хизмат қилишини кўрсатиб беради.

Мазкур индекс The World Justice Project нодавлат ташкилоти томонидан тавсия этилган услубият бўйича ҳисобланади ва бунда статистик маълумотлар ва глобал миқёсда экспертлик сўровлари натижаларига таянилади. Ўзбекистон мазкур рейтингда 94-ўринда қайд этилган.

Коррупцияни қабул қилиш индекси (The Corruption Perceptions Index) — бу давлат секторига коррупциянинг тарқалганлиги кўрсаткичини ўрганиш бўйича глобал миқёсда амал-



га оширилувчи тадқиқот ва шу асосда тузилган мамлакатлар рейтингини ҳамдир. Мазкур индекс Transparency International халқаро нодавлат ташкилоти томонидан тақдиф этилган услубият асосида статистик маълумотлар ва глобал кўламда ўтказилган сўровларга таяниб ҳисобланади. Ўзбекистон унда ўрнини бироз яхшилаб, 25 балл тўплади ва 180 давлат ва ҳудудлар орасида 153-ўринни эгаллади (ўтган йилги кўрсаткич — 158-ўрин).

Инсон тараққиёти индекси (Human Development Index) дунё мамлакатларида инсон тараққиётини акс эттирувчи кўп қиррали кўрсаткичдир. Бу индекс ҳар йили БМТнинг Тараққиёт дастури экспертлари ва мўстақил халқаро таҳлилчилар кўмағида ҳисоблаб чиқилади. Тадқиқотлар натижаси ҳар йили БМТнинг Тараққиёт дастури томонидан турли махсус маърузалар қўринишида чоп этилади. Инсоннинг бахтли ва узоқ умр кечириши, табиат ва жамият яратган моддий, номоддий ва ижтимоий неъматлардан баҳраманд бўлиб яшashi Инсон тараққиёти концепциясининг асосини ташкил этади. 2019 йилда Ўзбекистон мазкур индекс рейтингини 167 та мамлакат орасида 157-ўринни эгаллаган.

Жаҳон матбуот эркинлиги индекси (Worldwide Press Freedom Index) барча турдаги оммавий ахборот воситалари бўлган кўп қиррали кўрсаткичларнинг эркинлик даражасини баҳолайди. Бунда у ёки бу мамлакат ҳўкуматининг оммавий ахборот воситалари ва нашрларига муносабати, уларнинг матбуот эркинлигини таъминлашдаги хатти-ҳаракатларига алоҳида эътибор қаратилади. Тадқиқотлар эксперт баҳолашларига асосланган бўлиб, ташкилот мўтахассислари 43 та асосий кўрсаткич бўйича матбуот эркинлигининг таъминланганлиги ҳолатига баҳо беради. Давлатлар тўплаган балларига қараб, рейтинг рўйхатига киритилади.

Бу рейтингда Ўзбекистон 2019 йилда 180 мамлакат ўртасида 53,2 балл тўплаган ҳолда 160-ўринда қайд этилди.

Мамлакатимизнинг халқаро индекс ва рейтинглардаги бугунги кундаги ўрни таҳлили шунинг кўрсатмоқдаки, қаерда ақл ва илм талаб қилинса, ўша жойда мамлакатимизнинг ўрни анча паст даражада, юртимизга ато этилган бебаҳо ресурслар бўйича эса юқори поғоналарни эгаллайди. Шу боис, барча ишларимизни ақл ва илмга таяниб амалга оширсак, мамлакатимизнинг дунё рейтингларидаги ўрнини яхшилашга эришишимизга шубҳа йўқ. Зеро, буюк алломаларимиздан бири Маҳмуд Замаҳшарий айтганидек: “Ё илмий бўл, ё илм тингловчи бўл, ёхуд илмга эргашувчи бўл, асло тўртчинчи бўлма...”



Ақром НЁЪМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Стратегик ва
минтакалараро тадқиқотлар институти
директорининг биринчи ўринбосари

Ана шундай бир вазиятда коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш учун дунёда мисли кўрилмаган чоралар қўлланилмоқда, жумладан, одамлар ва товарлар ҳаракатиغا муайян чекловлар ўрнатиш, бутун бошли тармоқлар ва қорхоналар фаолиятини тўхтатиб туриш йўлидан борилмоқда.

Буларнинг барчаси дунёнинг барча мамлакатларида ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳаёмининг кескин пасайишига, глобал ишлаб чиқариш занжирлари ва савдо-сотиқ алоқаларининг бузилишига, товар хом-ашёси нархларининг пасайишига ва жаҳон молия бозорларида конъюнктуранинг ёмонлашувига олиб келди.

Воқеаларнинг бундай ривожланиши кўп жиҳатдан давлатларнинг ўзаро боғлиқлигини ва уларнинг жаҳон ҳўжалиги конъюнктурасига қарамлигини оширадиган глобаллашув жараёнларининг юқори даражаси билан изоҳланади. Бунинг биз истеъмол қилаётган ҳар бешинчи калориянинг ҳеч бўлмаганда камида биттаси халқаро чегарани кесиб ўтиши

Ўзбекистон Президенти томонидан иқтисодий тараққиёт ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўйилган стратегик вазифаларни амалга ошириш учун ҳокимиятнинг барча бўғинлари ўртасида ҳамжиҳатликка эришиш, давлат ва жамият манфаатлари йўлида ташаббус кўрсатиш ҳамда жонбозлик билан меҳнат қилиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим эканига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

мисолида кўришимиз мумкин. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, ҳеч шубҳасиз, шуни айтиш мумкинки, пандемиянинг салбий оқибатларидан ҳеч бир давлат четда қолмайд ва инкироз оқибатлари мукярар равишда барчага таъсир қилади. Қолаверса, ҳозирги инкироз нафақат иқтисодий, балки ижтимоий аҳамиятга ҳам молик эканлигини англаш лозим. Бундан ташқари, уни бошқа инкирозлардан ажратиб турувчи хусусияти (2008-2009 йиллардаги халқаро молиявий инкироз, 1997-1998 йиллардаги "Осиё инкирози") нафақат бутун дунёда кузатилаётган талабнинг, балки тақлифнинг ҳам йўқлигидадир. Халқаро валюта жағмараси прогнозларида кўра, агар 2008-2009 йиллардаги молиявий инкироз ЯИМ ўсиш даражасини 0,1%га камайтирган бўлса, ҳозирги пандемия унинг 3%га пасайтириш билан тахдид қилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, жаҳон иқтисодиётида халқаро савдо-сотиқ алоқаларининг асосий элементи ҳисобланган ўзаро ҳамжиҳатлик тамойили бузилмоқда. Жаҳон савдо ташкилотини 2020 йилда ижобий сценарий бўйича дунёда савдо-сотиқ ҳаёмининг қисқариши 13%, ўта салбий ҳолатда 32% бўлишини прогноз қилмоқда.

Бундай шaroитда халқаро ташкилотлар инфекция тарқалишининг олдини олиш, иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш ва пандемия шaroитида фуқароларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қатъий чораларни қўришни тавсия қилмоқда. Шу билан бирга, мазкур жараёнда давлатларнинг ўзи асосий роль ўйнаши лозимлиги таъкидланмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар ана шундай конструктив ёндашувага мисол бўла олади. Ўзбекистон Президентининг мамлакат ҳудудида касаллик аниқланганидан олдинроқ ишга киришиш имконини берган қатъий ҳаракати эпидемиологик вазиятнинг назорат остига олишга имкон яратди, коронавирус инфекциясини тарқалишига қарши курашиш ва унинг оқибатларини бартараф этиш бўйича комплекс стратегияни ишлаб чиқиш учун қimmatли вақтдан ютишга сабаб бўлди.

Хусусан, қисқа муддат ичида барча давлат ресурслари сафарбар этилди ва жамоатчилик қўлчари бирлаштирилди, давлат ва ҳўжалик бошқарувининг барча бўғинлари ўртасида жипс ва мувофиқлаштирилган ўзаро алоқалар таъминланди ҳамда глобал эпидемиологик вазият бўйича халқаро ҳамжамият билан самарали мулоқот ўрнатилди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан, халқаро тажрибани ҳар томонлама ҳисобга олиш асосида иқтисодиётнинг барча тармоқлари барқарорлигини таъминлаш, ташқи иқтисодий мажбуриятларни амалга ошириш, коронавирус инфекцияси ва бошқа глобал хавфларнинг тарқалишига қарши кураш даврида аҳолини самарали ижтимоий қўллаб-қувватлаш, улар даромадларининг кескин пасайишига йўл қўймаслик борасида муҳим қарорлар қабул қилинди.

Инфекция билан касалланган аҳолининг нисбатан камлиги қўрилган чора-тадбирлар самарасидан далолат бўлса, инкироз даврида мамлакатимиз макроеқтисодий барқарорлиги қабул қилинаётган қарорларнинг нечоғлиқ тўғрилигини кўрсатмоқда. Бу, ўз навбатида, бугунги кунда Ўзбекистонда коронавирус инфекциясини тарқалиши билан боғлиқ вазият давлатнинг тўлиқ назоратида эканини ишонч билан айтиш имконини беради.

"Covid-19"га қарши курашиш бўйича дунёда

Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим сектори ҳисобланган қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири — бу ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, уларни ишлаб чиқариш соҳасида мустақилликка эришиш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдир.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ —

БУГУНГИ КУННИНГ ЭНГ МУҲИМ ТАЛАБИ

Бугунги кунда дунё Sars-CoV-2 коронавирус пандемияси оқибатида мисли кўрилмаган инкирозга рўбарў келди. Ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар трансформацияси шиддат билан кечаётган шaroитда, шунингдек, вируснинг табиати, уни даволашнинг самарали усуллари, эмлаш, тарқалиш ва тақдорлини ҳўсуиятлари ҳақида аниқ, ишончли маълумотлар йўқлиги сабабли келажакка нисбатан ишончли прогнозлар қилиш қийин кечади.



олиб борилаётган чора-тадбирларни шарҳлай туриб, Германиянинг "Public Diplomacy" ташкилоти раиси Гюнтар Кайзер "Ўзбекистонда коронавируснинг олдини олишнинг самарали чоралари қўрилди, натижада касаллик кенг тарқалишининг олди олинди, бироқ бундан дунёнинг ривожланган давлатлари қочиб қўтула олмади", дея таъкидлади. Бу борада таниқли "The Diplomat" нашри бош муҳаррири Кэтрин Путц шундай дейди: "Бутун дунёда халқаро ҳамкорлик тўхтаб турган бир пайтда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг сиёсати стратегик самарали мулоқот ва ҳамкорликнинг ажойиб намунаси бўлди".

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг муҳим миссияси ва ҳар бир давлатнинг ушбу мураккаб даврдаги долзарб вазифаси халқаро ҳамжамиятга алоҳида хавотир ва ташвиш уйғотувчи озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга масъулият билан ёндашишдир. Мутахассисларнинг фикрича, пандемия натижасида очарчиликка дуч келадиган аҳоли сони 2 баробар кўпайиши ва 1,6 миллиард кишини ташкил қилиши мумкин.

Ўзбекистон ҳозирги кунда ўзининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш баробарида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш орқали бошқа мамлакатларнинг озиқ-овқат таъминотига ҳам ҳисса қўшмоқда. Бу, айниқса, қўллаб-даватларнинг протекционистик чораларни қўллаётган бир пайтда яққол намоён бўлмоқда.

Уч халқаро ташкилот — Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилотини (FAO), Жаҳон соғлиқни сақлаш ва Жаҳон савдо ташкилотлари ўзининг қўшма баёнотида глобал савдо-сотиқ ва озиқ-овқат хавфсизлигини тахдид остига қўядиган пандемияга қарши курашга йўналтирилган чораларнинг хавфли экани ҳақида огоҳлантирди. Таъкидланишича, етарлича озиқ-овқат таъминотида ишончнинг йўқлиги экспорт чекловларининг ошишига, жаҳон бозорида тақчиллигининг юзасига келишига олиб келиши мумкин. Шу билан бирга, ушбу ташкилотлар экспертлари озиқ-овқатга нисбатан тақчил ва талаб ўртасидаги мувозанатнинг ўзгариши нархларнинг кескин ўсишига ва нарх ўзгариувчанлигининг кучайишига олиб келади, дея огоҳлантирмоқда.

Хўш, "Covid-19" коронавирус пандемияси шaroитида озиқ-овқат хавфсизлиги муаммолари кучайиб кетишининг асосий сабаблари нимада ва унинг қўқурлашиб кетиши қандай оқибатларга олиб келиши мумкин? Бунда қуйидаги омилларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

БИРИНЧИДАН, озиқ-овқат етказиб беришнинг глобал занжирининг узилиб қолиши. Дунё мамлакатлари томонидан қабул қилинган қатъий изоляция чоралари аллақачон озиқ-овқат таъминоти занжирларига таъсир кўрсатмоқда. Ушбу узилишларнинг салбий оқибатлари, айниқса, логистика соҳасида келгуси бир неча ой ичида юзасига қалқиб чиқиши мумкин. Транспорт чекловлари қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчилари учун зарур ресурсларни (урғуллар, ўғитлар, қишлоқ ҳўжалиги техникаси) тақсимлашга тахдид солади ва қатор мамлакатларда баҳорги дала ишлари бошланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

ИККИНЧИДАН, "озиқ-овқат миллатчилиги"нинг ўсиши. Экспорт қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг оз сонли мамлакатларда жамланганлиги ва улар томонидан қўлландиган ҳимоя чоралари дунёдаги тақлиф бозорини янада заифлаштириши мумкин. Шу билан бирга, давлатларнинг "озиқ-овқат миллатчилиги" ва "агрессив жағмараш" сиёсатиға мурожаат қилишга интилиши нафақат глобал, балки шу давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигиға ҳам зарба беради.

УЧИНЧИДАН, инфляциянинг тезлашиши ва бир қатор асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг ошиши. Савдодаги узилишлар, айниқса, экспорт чекловларининг жорий этилиши 2020 йилда бир қатор озиқ-овқат маҳсулотлари, асосан, галла нархининг ошиб кетишига олиб келиши мумкин. Халқаро дон кенгаши (IGC) маълумотиға кўра, жорий йилнинг март ойида Чикаго фонд биржасида бугдойнинг фьючерс нархи 12%ға ошиб, бир тоннаси сўнгги йилларда кузатилмаган энг юқори нарх — 240 долларға кўтарилган. Халқаро савдо учун мезон ҳисобланган Таиланд гуручининг нархи 20,4% гача, яъни бир тоннаси 530 долларғача қимматлашган.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг юқори нархлар, камбағаллар сони ошиши хавфи билан бирга, жиддий ижтимоий оқибатларни юзасига келтириши мумкин.

ТўРТИНЧИДАН, қишлоқ ҳўжалигида мавсумий меҳнат ресурсларининг етишмаслиги. Қишлоқ ҳўжалигида банд бўлган меҳнат мухожирларининг йиллик сони 200 миллион кишидан ошади. Ўрим-йигим мавсумида, айниқса, тез

етиладиган ва бузиладиган ҳосиллар йиғиштирилаётган пайтда чегараларнинг ёпилиши жуда мураккаб ҳолатни вужудга келтиради. Қатор мамлакатларда меҳнат ресурсларининг йўқлиги сабаб, баҳорги дала ишларида жиддий узилишлар хавфи юзасига келган.

Шак-шўбҳасиз, бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлиги мамлакатлар миллий хавфсизлигининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ҳар бир давлатнинг муваффақияти, ҳар қандай халқаро вазиятдан қатъи назар, аҳолининг барча қатламларини фаол ва соғлом ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган миқдорда хавфсиз, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш салоҳиятиға боғлиқ.

Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим сектори ҳисобланган қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири — бу ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, уларни ишлаб чиқариш соҳасида мустақилликка эришиш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдир.

Сўнгги уч йилда мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида агросаноат мажмуаси соҳасида кенг қўлламли ишлохотлар ва сифатли ўзгаришлар амалга оширилди, замонавий институционал база яратилди. 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясиға мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалиги ва Сув ҳўжалиги вазирликлари, Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томоқра ер эгалари Кенгаши ва унинг ҳудудий бўлимларини ташкил этилди, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси, Қишлоқ ҳўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепцияси ва бошқа ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар қабул қилинди.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг муҳим миссияси ва ҳар бир давлатнинг ушбу мураккаб даврдаги долзарб вазифаси халқаро ҳамжамиятда алоҳида хавотир ва ташвиш уйғотувчи озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга масъулият билан ёндашишдир. Мутахассисларнинг фикрича, пандемия натижасида очарчиликка дуч келадиган аҳоли сони 2 баробар кўпайиши ва 1,6 миллиард кишини ташкил қилиши мумкин.

завотчилик ва қорвачиликда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 2 баробар ошириш зарур.

Бу борада мева-сабзавотчиликка ихтисослашган 55 та туман, 86 та кластер ва 125 та кооператив етакчи бўлиши кераклиги таъкидланди. Бог ва тоқзорларда қатор оралари, тақририй майдонларнинг ҳар бир қаричидан самарали фойдаланиб, 2-3 марта ҳосил олишни йўлга қўйиш зарурлиги қайд этилди. Маҳсулот ҳажмини ошириш учун жорий йилда 124 минг гектар оборотдан чиққан ерларни тўлиқ ўзлаштириш лозим. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилда балиқ етиштириш ҳажмини 350 минг тоннага, асал етиштириш 5 мартага қўпайтириш, 382 минг қути ипак қуртини боқми бўйича топшириқлар берилди, бу камида 750 минг одамни иш билан банд қилиш дегани.

Ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва унумдорлигини ошириш, ирригация ва сувни тежайдиган технологиялардан самарали фойдаланиш борасида замонавий агротехнологияларнинг жорий этиш муҳимлиги қайд этилди. Бундан ташқари, қишлоқ ҳўжалигини зарур захиралар билан таъминлаш, юқори ҳосилдорликка эришиш учун селекция ва уруғчилик ишларини аввалдан режалаштирган ҳолда ривожлантириш зарурлигиға эътибор қаратилди.

Ушбу вазифаларни ҳал этиш аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуқсиз таъминлаш, бундай маҳсулотлар танқислигиға йўл қўймаслик ва улар нархлари ўсишининг олдини олиш, аҳолини коронавирус пандемияси, глобал рецессия, озиқ-овқат инкирози каби ташқи омиллар таъсиридан ҳимоя қилиш учун ўзига ҳос "хавфсизлик ёстиғи" ни яратиш имконини беради.

Республикаимизда охириги йилларда олиб бориладиган қадар узайтирилди; г) ирригация ва мелiorация тадбирларини ўтказиш билан боғлиқ чоралар жараянлар давлат бюджети ҳисобидан тўлиқ қопланади; д) богдорчилик ва узумчилик жағмармалариға бўш ва лалми ерларни ўзлаштириш учун 300 миллиард сўм ажратилди. Бунда ўзлаштирилган ернинг ижара ҳуқуқини аниқ озиқ-овқат турини етиштириш шарти билан 5-10 йилга сотиш белгиланган; е) республиканинг 55 та туманида жорий йилда ўғитларни сотиш бўйича ихтисослаштирилган дўконларни очиб режалаштирилган;

ж) зотдор йирик шохли қорамоллар учун 2 миллион сўмгача, насли қўй ва эчкиға 400 минг сўмдан субсидия ажратиш механизми жорий этилди; з) қорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва қувчилик лойиҳаларини амалга ошириш учун Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жағмармасининг тижорат банклари томонидан берилмаётган 20 миллиард сўмгача бўлган кредит миқдорининг 50 фоизигача қафил бўлиши механизми белгиланди. Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда барча тадбирларни молиялаштириш манбалари тўлиқ ҳал этилиб, олдинги йилларда мавжуд бўлмаган рағбатлантириш механизми жорий қилинди.

ИККИНЧИ. Томорқалардан самарали фойдаланиш ва ҳосил йўқотишнинг олдини олиш. Томорқада қишлоқ ҳўжалиги экинларини етиштириш нафақат мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини мустақамлашга қатта ҳисса қўшади, балки аҳоли учун қўшимча даромад манбаи ҳам бўлади.

Хусусан, ушбу мақсадларда: а) "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида ҳар бир сектор ҳудудида камида 100 хонадонға 1-1,5 сотихли иссиқхоналар ташкил этиш назарда тутилмоқда; б) давлат бюджетидан томоқра ерларида янги лойиҳаларни амалга ошириш учун 350 миллиард сўм ажратилди, Фермерлар кенгаши ҳузурида махсус жағмарма ташкил этилди; в) сув етиб бориши қийин бўлган маҳаллаларда артезиан қудуқларини қуриш режалаштирилди; г) кам таъминланган ва боқувчиси бўлмаган оилаларға мевали дархат қўчатлари, сабзавот уруғлари ва бошқа моддий ресурслар етказиб берилади; е) томоқрада етиштирилган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларға етказиб беришнинг самарали тизими яратилади.

УЧИНЧИ. Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини ошириш. Жаҳон бозорларида Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотлари рақобатбардошлиги билан ажралай туради ва юқори талабға эга ҳақиқий брендага айланиб улгурган. Биз дунёнинг 66 мамлакатига янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қиламиз. Хусусан, Ўзбекистон ўрик, олхўри, узум, ёнғоқ, қарам ва бошқа қатор мева-сабзавотлар экспорти ҳажми бўйича дунёдаги энг етакчи етказиб берувчилар ўнгалтидиган ишончли ўрин эгаллаган.

Бугунги кунда мамлакатимизда мазкур вазифаларни амалга ошириш учун экспортчилар ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун қўшимча 50 миллиард сўм маблағ ажратилган. Чегара божхона постлари орқали юқарининг тезроқ ўтказилишини, уларнинг автотранспортда юк ташин ҳаражатларининг 50 фоизи Экспортни рағбатлантириш агентлигиға ажратилган маблағлар ҳисобидан қопланиши назарда тутилган. Бундан ташқари, ушбу жағмарма қўллаб-қувватлаш учун қўшимча 50 миллиард сўм маблағ ажратилган. Чегара божхона постлари орқали юқарининг тезроқ ўтказилишини, уларнинг божхона ҳужжатларини узлуқсиз расмийлаштириш, шунингдек, экспорт ва импорт қилинадиган товарларға рухсат берувчи ҳужжатларни бериши таъминлаш бўйича тезкор штаб ташкил этилган.

Озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти ҳажмининг ошиши мамлакатимизға нафақат экспорт салоҳиятини ошириш, янги бозорларни очиб, валюта тушумини қўпайтириш имконини беради, балки ушбу мураккаб даврда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятининг масъулиятиға аъзоси сифатида дунё глобал озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашға ўзининг муносиб ҳиссасини қўйишға тайёрлигини билдиради. "Fitch Solutions" халқаро рейтинг агентлиги таъкидлаганидек, озиқ-овқат маҳсулотлари савдосининг тезлашиши, айниқса, қўшни давлатлар билан глобал таъминот занжирларининг узилиши шaroитида ўзига ҳос "яширин имконият"дир.

Айни вақтда, давлат қабул қилинган чора-тадбирлар билан чегараланиб қолмайд ва конъюнктуранинг ўзгаришиға қараб, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайдиган қишлоқ ҳўжалиги тармоғини қўшимча қўллаб-қувватлаш имкониятини қўриб чиқади. Жумладан, бугунги кунда қабул қилиниши олдиндан кенг муҳокама қилинаётган қишлоқ ҳўжалиги соҳасида янада жадалликни таъминловчи Президент қарорига мувофиқ, фойдаланилмаётган ерларни самарали ўзлаштириш ҳамда улардан мева-сабзавот етиштириш учун имтиёзли лизинг асосида аҳолиға бериш кўзда тутилган. Бундан ташқари, мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш билан шуғулланувчи қорхоналарға 2 триллион сўм миқдориде кредит ажратилиши режалаштирилмоқда, 2020 йил 1 декабрга қадар минерал ўғитлар импорти билан боғлиқ барча чекловларнинг бекор қилиниши, паррандачилик, пиллачиликни ривожлантириш ва бошқа чора-тадбирларни моддий рағбатлантириш, шўбҳасиз, мамлакатнинг озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги салоҳиятини сезиларли даражада ошириш имконини беради.

Хулоса сифатида шуни ишонч билан айтиш мумкин, бутун дунёда озиқ-овқат тақчиллиги хавфи ортиб бораётган бир пайтда Ўзбекистон раҳбарияти нафақат ички талабни қондириш, балки ташқи бозорға озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш ҳажмини ошириш имконини берадиган муҳим ва зарур чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Умуман олганда, бугунги кунда Ўзбекистон Президенти томонидан иқтисодий тараққиёт ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўйилган стратегик вазифаларни амалга ошириш учун ҳокимиятнинг барча бўғинлари ўртасида ҳамжиҳатликка эришиш, давлат ва жамият манфаатлари йўлида ташаббус кўрсатиш ҳамда жонбозлик билан меҳнат қилиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим эканига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Факатгина яқдил ва ҳамжиҳат бўлиб, мамлакат олдидаги замонавий тахдид ва хатарларни самарали ҳал эти олишимиз мумкин.

Моҳият

ҲАҚИҚАТ ВА ПАНИПАТ



Азамат ЗИЁ,
тарих фанлари доктори,
профессор

Ойниса опа деган тарих ўқитувчимиздан барча зирилларди, бир ўтқир қараш, нари борса, икки оғиз сўз билан ҳар кимни ёғочдек қотириб қўярди. Бироқ дарс ўтиш бобида у кишига тенг келадигани йўқ эди. Усуллари ҳам ўзига хос бўлиб, мавзунини миямизга қўйиб қўйишда устозга ҳеч ким тенг келолмасди.

Еттинчи ёки саккизинчи синфдамиз — СССР тарихига бағишланган, “ёстикдек” дарсликлардан фарқли ўлароқ, қалинлиги қаттиқ муқоваси эвазига қирқ саккиз арақли дафтарчалик “Ўзбекистон ССР тарихи” дарслигининг Амир Темурга тегишли мавзуси ўтилаётган кун. Опа Соҳибқиронни босқинчи, қонхўр, одамлар бошидан миноралар ясаган “сифатлари” билан обдон сийладилар. Дарс тугагач, олдиларига бордик ва ярим кўрқинч, ярим ҳаяжон билан, “Сиз нотўғри гапирдингиз, Амир Темур унақа бўлган эмас”, қабилидаги гапларни айтди. У кишининг ярим жаҳл, ярим кулги аралаш, “Ўғлим, мен дарсликда бориин ўтдим, бунисини энди катта тарихчи отангиздан сўраб биласиз”, деб кесиб ташлаганлари кечагидек эсимизда.

Кечқурун бу ҳақида отамизга сўзлаб берганимизда, бўлмаган гап, барчаси ғирт ёлгон, катта бўлсанг, ҳаммасини билиб олсан, лекин бу тўғрида кўча-кўйда, мактабда сўзлаб юрма, ҳар учта одамдан биттаси нариги ёқнинг одами, деб қаттиқ тайинладилар ҳамда айрим нарсаларни тушунтириб бердилар...

Шарқ тиллари факультетидеги биттурув ишимиз “Фирдавсий “Шоҳнома”-сида севги лавҳалари”га бағишланган. Ҳимояда юкори баҳо олган, мавзунини ривожлантирсак, келажикда номзодлик диссертациясига яраши мумкинлиги ҳам ургулганган. Аммо бу гап отамизга ёқмаган, манбашунос бўласан, ўшанда газнавийлар даврини яхшилаб ўзинг ўргансанг, бугунги фикринг ҳам ўзгаради, деганлар жиддий оҳанда.

Шундай бўлди ҳам. Фанлар академияси Шарқшунослик институтига ишга кириб, бирламчи манбалар, илмий адабиётларни ўрганиш асносида кўп нарсаларга “кўзимиз очилиб” бораверди. Хулосамизнинг энг асосийси мана буниси бўлган: биз ўзбекларнинг тарихи мақсадаги мувофиқ равишда камситилиб, ерга урилиб, талон-тарож этилиб, сохталаштириб келинган. Нега? Миллатимиз руҳнаамаслиги, ўз ўтмиши, ота-боболари билан гурулранишдан куч олмаслиги, ўзлигини англамаслиги ва, охир-оқибат, биз киммиз-ку, кимларга бош эгиб юрилибми, дея кўзгалмаслиги учун!

Миллат ва тарихнинг узвий ва кучли боғлиқлиги энг қадимдаёқ аён бўлган қонуниятдир. Афсоналар ривоятлар, эртагунчиқлар эп-юрт, оила, суюқлиси, ога-ини ҳимояси, бо-тирлик, содиқлик мавзулари билан сугорилгани ҳам бежиз эмас. Эски-эски замонлар — ўз даври учун ўзига хос тарбия сабоқлари саналмиш уларни ҳам ақлли одамлар тўқиганлар, ахир.

Эътибор берилса, кўчманчи халқларнинг ҳар авлоди етти пуштини ёддан билади. Утроқларда эса, масалан, ўзимизда, нари борса, отасининг бுவаси маълум. Бунинг сабаби жуда оддий: биринчиларида ёзув ва битикчилик маданияти бўлмаган ёки унча ҳам ривож топмагани учун куч эслаб қолишга берилган. Иккинчилари қоғоз-қаламга “ишонганлар”. Араб алифбосини таниб қолган талабалик илларимизда буювчимизнинг Сабгондаги ҳужраларидаги китоб бетларининг у ёки бу ерига, фалончи фалон йил, фалон ойда пешиндан кейин тугилди, деб арабча ҳарфларда ёзиб қўйилганини ўқиганимиз хануз хотирамиздан чиқмайди. Аммо буювчимиз буваларидан ўёғини билмасдилар. Худди тарихчи олим отамиз сингари...

Демак, қалам ва қоғоз борлигининг ўзи етарли эмас экан. Абу Райхон Берунийнинг: “Қутайба Хоразм хатини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўрганган ва

билимини бошқаларга ўргатадиган кишиларни ҳалок этиб, буткул йўқ қилиб юборган эди. Шунинг учун у хабар ва ривоятлар ислом давридан кейин ҳақиқатни билиб бўлмайдиган даражада яширин қолди”, дея тан олишини шу нуқтаи назардан таҳлил қилсак, аҳвол минг йил бурун қандай бўлса, бугун ҳам шундай: араблар босқинидан олдинги минг йиллик босқин буйича пичоққа илинадиган ёзма манбаларимиз йўқ ҳисоби.

Қутайба, умуман, араб босқинчилари ўзбеклар маданияти уларниқидан анчайин юксаклигини, демак, уни, хусусан, илм, сўз ва санъат аҳли, ёзувни йўқ қилмасдан туриб кўзланган муддаога эришиб бўлмаслигини ўта пишиқ англаган. Умуман олганда, бу фақат бадавйиларгагина эмас, бошқа босқинчиларга ҳам ҳосдир. Орадан ўн уч асрлар ўтиб, Туркистонни босиб олган Россия империяси генералларидан М.Скобелевнинг “Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг маданияти, санъати, тилини йўқ қилсанг бас, тез орада ўзи таназзулга учрайди”, деган иқроори бунинг тасдиғидир. То 1991 йилгача — давлат мустақиллигимизни тиклагунимизга қадар худди шу сиёсат юритиб келинди. Айнан маданият, санъат, тил, тарих орқали миллатни қучлантириб-оқлантирмоқчи бўлган жадидларни бирма-бир тигдан ўтказишдан мақсад ҳам мазкур “доно кўрсатма”га кўра, юритилган сиёсат маҳсули бўлган. Юқорида тилга олинган тарих дарслиги эса бир асрдан ортиқ муддат ичида неча марта қалчилаб-қиртишланиб, силласи қуришиб бўлганган миллий онгни умрбод огулаш қуроли эди, холос.

Тўғри, “Шоҳнома” бадийи жихатдан чиндан ҳам шох асар. Фирдавсий уни ўз эли ва юртини улуғлаш ниятида битган. Араблар босқини Турон каби Эронга ҳам қаттиқ салбий таъсир кўрсатган. Жумладан, форс тили ва адабиётига. Шоирнинг хизмати шу жихатдан ҳам юксакдир — араб тили зуғуми шароитида форс тилида улкан, ўзининг айтишича, олтиш минг байтлик дoston битиб, она тилисининг қудрати, бойлигию гўзаллигини исботлаб қўйган. Худди Алишер Навоий араб, форс тиллари тазйиқи манзарасида “Хамса” ва бошқа асарлари орқали ўзбек тилининг кучи, чиройи, тенгсизлигини кўрсатиб қўйгандек.

Қисқаси, “Шоҳнома”ни яратишдан бош мақсад уни Маҳмуд Ғазнавийга бағишлаш бўлмаган. Ижодкорни бунга минтақадаги сиёсат вазиятнинг ўзгариши, яъни ҳокимиятга Маҳмуднинг келиши, унинг илм-фан, адабиёт, санъатга рағбати ва ҳомийлиги ҳақидаги гап-сўзлар ҳамда ўзининг оғир молиявий аҳволи ундаганини ҳеч бир шоҳнамашунос инкор этолмайдми. Олий ҳукмдор Фирдавсийни тақдирлаган, лекин шоир мўлжаллидаги даражада эмас — олтиш минг диҳрам ўрнига йигирма минг берган. Шу тариқа, Маҳмуд Ғазнавий ёмон отлиққа чиққан-қўйган. Ҳолбуки, Турон султони сифатида Эрон ва Турон қарама-қаршилигига бағишланган, туркийлар ерга урилган асар учун бир қақа ҳам бермаса бўларди. Шу-шу ким ёмон, Маҳмуд Ғазнавий ёмон. Бутун дунё илмий, илмий-оммабоп маълумотларнинг кўпчилигида мазкур ёндашув устун.

“Шоҳнома”нинг бугунги авлодларгача етиб келишида Амир Темурнинг уч набираси, Соҳибқирондан сўнг ўзбек давлатини қирқ икки йил бошқарган, отаси тузган салтанатнинг ўзганини ҳозирги Кавказорти, Шарқий Ироқ, Эрон, Афғонистон, Покистон, Шимолий Ҳиндистон, Ўрта Осиё, Ғарбий Хитойдан иборат кенгликда сақлаб қолган Шоҳрухнинг ўғиллари Бойсунғур, Иброҳим Султон, Муҳаммад Жўкийнинг хизматларини, бошқаларни қўйиб турайлик, ўзимизда ҳам камдан-кам олим билади. Асарнинг улар бошчилиги ва ҳомийликларида кўчирилган, зийнатланган, ўнлаб расмлар билан безатилган ноёб нусхалари ҳозир ҳам дунё кўлёзма жамағармаларининг кўрки, ҳам шоҳнамашуносликка қимматли манба саналади.

Тарих ва маданиятимизни ерга уриш орқали бизни руҳан синдиришларнинг яна бир сабаби бўлган. Ўрта ва Ўқин Шарқ сиёсий ўтмишининг XX аср биринчи чорагигача бўлган минг йиллик босқинчида аққол кўзга ташланадиган жихат мазкур улкан худудни туркий сулолалар бошқариб келган, уларнинг илдизи эса Турон, Туркистонга бориб тақалиши билан бўлқидир. XVI асрдан бошлаб айнан шу минтақада юз бера бошлаган сусайиш жараёни пировардида Шарқнинг Ғарбдан ортда қолиб кетиш сабабларидан бири бўлганини кўпчилик ҳаёлига ҳам келтирмайди, билган камчилик эса бош омил сифатида денгиз йўлларининг очилиши, Европадаги илмий кашфиётлар билан тушунтириб, гапни олиб қочади.

Бундайлар ўзимизда ҳам етарли. Шу маънода, бизда, айниқса ва энг аввало, олимларимизда бошқалар олдида ялпанглашишга ўхшаш одат бор: ўзимизни бутун дунёга баҳишда этиб юбориш, бағрикенглик, кўпи очиклик, андизчиликда барчадан устунлигимизни кўрсатиб қўйиш ва шунга ўхшашлар. Ўртимиз, минтақамиз ўтмиши ҳақида сўз кетса, турли маданиятлар, динлар кесилган чорраха, Буюк ипак йўлида жойлашган ўлка сингариларга зўр берамиз. Гўёки бизнинг тарих ва маданият турли замонларда мамлакатимизга келиб-кетганлар томонидан яратилган, бойитилган. Бизниқилар эса оғзини очиб ўтирган.

Ҳолбуки, кишиликнинг илк маданий ўчоқла-

ридан саналмиш Турон дунёнинг энг кекса сиёсий, иқтисодий, илмий-маданий марказларидан бири бўлиб келган. Уни эгаллашга барча интилган. Тарихдаги энг йирик, масалан, аҳамонийлар, юнонлар, араблар, мўғуллар, руслар тузган империяларнинг тиги Туронни четлаб ўтмаганининг сабаби ҳам шундадир. Негаки уни қўлга киритган куч Шарқ, Осиёга таъсир ўтказиш, урдаласа, уларни бошқариш имконига эришган. Босқинчиларга қарамлик босқинчилари исзис ўтмагани Қутайба ва Скобелев, мактаб дарслиги мисолларида яққол кўриниб турибди. Аммо моҳият эътибори билан айтганда, биз ҳеч қачон бировларнинг маънавияти, маданияти, урф-одати, қадриятларини ўзлаштирган миллат бўлмаганмиз.

Араб халифаси Хоруннинг ўғли Абдулла Хуросон ноиб сифатида 809 йилдан Марвда яшаган. 813 йили халифа макомига етишиб, Маъмун лақабини олган ҳам бу ерни тарк этмаган ва 819 йилга келибгина Бағдодга кўчиб ўтган. Шу чоққа унинг саройида илмий изла-нишлар олиб борган ўзбек олимлари, жумладан, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғонийни ҳам ўзи билан олиб кетган. Дунёга машҳур “Олимлар уйи” (“Байт ал-хикма”) ҳам айнан уларнинг тақлифи билан ёки улар учун очилгани шубҳасиз. Расмий тил араб тили саналмиш халифаликнинг қоқ марказидаги академияда ҳам илмий асарлар ўша тилда ёзилган ва тарқалган. Оқибати маълум: эндиликда оламнинг кўпчилиги учун Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино араб маданияти, ислом цивилизацияси вақилларидир.

“Буюк ипак йўли” атамаси олмон олими Фердинанд фон Рихтгофен томонидан 1877 йили илмий муомалага киритилганини бугун анча-мунча одам билиб қолди. Мазкур йўл аслида қадимги ва ўрта асрларда Ўрта Шарқ мамлакатларини Хитой, Ҳиндистон ҳамда Ғарб билан боғловчи кўп тармоқли қарвон йўлларини билдирган. Улар орқали биргина ипак эмас, турли-туман мол-мулк, маҳсулот ташилган. Ўшбу улкан кенгликда кечган барча уруш-талашлар негизда савдо йўлларига эгаллик қилишдек иқтисодий омил ҳам бўлганини бугун кўпчилик билмайди.

Амир Темурнинг Тўхтамишхон билан муносабатлари кескинлашгани негизда Кавказорти, Ғарбий Эрон, Олтин Ўрда бозори учун кураш турганини ҳам билиб қўйганимиз яхши. Тўхтамишхонга 1391, 1395 йилларда берилган қашқатқич зарбалар, Каспий, Азов денгизлари бўйларидеги шаҳарларни остин-устин қилиб ташлашдан муддаода Буюк ипак йўлининг шимолий йўналишини йўққа чиқариш орқали халқаро савдо-қарвон фаолиятини Турон томонга буриш ҳам бўлган.

Соҳибқирон бобомизнинг франциялик ҳукмдор Шарл VI га (Charles, яъни биз ёзиб келадигандек Карл эмас) юборилган хати қуйидаги сўзлар билан тугагани ҳам бежиз эмас: “Ўз савдогарларининг биз тарафларига юборинг, уларни бу ерда азиз ва муқаррам кўрагимиз. Бизнинг савдо аҳли ҳам у тарафга йўл олмай. Уларни ҳам азиз ва муқаррам кўрагимиз, уларга ҳеч қим зўравонлик ва ортиқча ташвиш туғдирмасин. Негаки дунё савдогарлар билан ободдир”.

Қисқаси, ўзбек давлати ва миллати сиёсату савдода ҳам, илму маданиятда ҳам ўз сўзи, дунёқараши, феъл-атворига эга бўлиб келган. Неча минг йиллик тарихий тараққиёт йўлимиздаги барча ютуқ ва йўқотишлар мана шу омилларнинг юзага чиқиш-чиқмаслигига боғлиқ бўлиб келган. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг миллатимиз ва давлатчилигимиз олдидаги энг улуғ хизмати ҳам ушбу омилларга жон бағишлаш, уларни тириштириш, сифатини бойитиш билан боғлиқдир, десак ҳамма қўриб, билиб турган ҳақиқатни айтган бўламиз. Зеро, айнан улар олдимизда турган кўпдан-кўп, оғирдан-оғир қийинчиликларни енгиб ўтишда биз учун тенгсиз ва самарали қурол бўлишларига шубҳа йўқ. Ахир бундан 494 йил бурун — 1526 йилнинг 20 апрель куни Панипатда юз берган олишувда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг издошларига куч берган омил ҳам шулар эмасмиди?!

Миллий етакчимиз йил бошида аввал Хавфсизлик кенгаши, сўнг Олий Мажлис палаталари йиғилишларида Заҳириддин Муҳаммад Бобур 12 минг қўшин билан Дехли султони Иброҳим Лудийнинг 100 минглик лашкарини енгганини бекорга эсламади, албатта. Эслабгина қолмай, қуйидаги савол-жавобларни ҳам кўндаланг қўйди: “Ўша пайтда шундай қилиш мумкинмиди? Йўқ. Бобомизга нима ёрдам берди? Ватанпарварлик, ғурур, ифтихор, ақл-заковат”.

Мазкур ҳақиқат умримиз мазмунига айланар экан, бизни ҳеч қандай куч, хавф-хатар енголмайди, ҳеч қандай қийинчилик синдирилмайди, жумладан, тожли оғу — коронавирус пандемияси ҳам.

Оила даврасида



Ориф ТЎХТАШ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Бугун халқимиз ўзининг чўнг матонати ва бирдамлик кайфияти билан ҳар қандай офату балоларга қарши мардонавор тура олишини намоён этмоқда. Ўртимиз аҳолисининг ақсариёти жорий этилган карантин талабларига риоя этиб, ўз хонадонларида, қадрдон оиласи бағрида синобли дамлари сабру қаноат билан ўтказяпти.

Ҳа, оила — муқаддас қўрғон. У кеча, бугун ва эртанинг гўзал ришталари туташган нурли маскан. Зеро, кечаги кунимизни табаррук нурунийларимиз сиймосида қузатсак, ёрқин келажакни униё-ўсиб келаётган болажонларимизнинг гулгун чехраларида кўрамиз.

Кўндалик фаолиятимиз кўча-кўйга мустаҳкам боғланиб қолган эканми, кўпчилигимиз муайян муддатли карантин даврида уйда қолиш кайфиятини ҳадеганда маъқул топмадик. Аммо чуқур тушуниб етмоқ кераки, талаб барчамизга бирдай тегишли! Қолаверса, бу каби чеклов ва тақиқлар моҳиятан ўз соғлиғимиз, яқинларимиз саломатлиги, бир сўз билан айтганда, халқимиз омонлигидан сўзлайди. Қимматли вақтимизни қадрдон уйимизда, фарзандлар қўршовида гўзал машғулотларга бағишлаб ўтказишга нима етсин! Эртага карантиндан сўнг истасак-да, тополмаймиз бундай имкону фурсатларни. Карантиннинг ҳар бир куни оиламиз, фарзандларимизга қачонлардан буён улашолмай қолган меҳримиз ўрнини тўлдиршига имкон бераётгани билан шуқуҳлидир. Зеро, биз ўзбеклар болажон халқимиз ва орзу-умидларимизни ҳам айнан фарзандлар камолига боғлаймиз.

Шахсан мен ҳам айни паллада кўпроқ фурсатимни фарзандларим билан суҳбатга, уларнинг қизиқиши ва ўй-фикрлари билан яқиндан танишишга бағишляяман. Болалар ижодқори эмасманми, ҳар бирининг ўз тенгқурига айлан тил топишиб кетдим. Азиз фарзандларим билан суҳбатларим асносида бир мартага амин бўлдимки, тарбиянинг кучи беқиёс экан!

Бугун ҳамма қатори бизнинг оилада ҳам телевизорга ҳар доимгидан кўпроқ эътибор қаратяпмиз. Мақсад битта — у ҳам бўлса, бугунги дунё қиёфаси ва жонқуяр шифокорларимиз кўмағида тождор оғир балосидан халос бўлаётган юрдошларимиз сафининг кенгайиб бораётганини қўриб руҳланам!

Тан олиб айтиш керак, давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан оқилона сиёсат

Эътироф

Ўзбек халқи саховатли, дўстларга елкадош, синобли кунларда ишончли ҳамроҳ

Ширин АННАЕВА,
Навоий давлат педагогика институти талабаси

Бугун коронавируси пандемияси етиб бормаган манзиллар санокли. Кун сайин унинг инсониятга етказётган иқтисодий ва маънавий зарари ошиб бормоқда. Барча давлатларда унга қарши кескин чоралар қўрилмоқда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам.

Мен Туркменистон фуқаросиман. Ҳозир ўзбек заминиде таҳсил оляпман — Навоий давлат педагогика институтининг 3-босқин талабасиман.

Ўшбу синобли кўнлар ўзбек халқининг ҳам бардошини синамоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўшбу инфекциянинг минтақа бўйлаб тарқалишининг олдини олишга қаратилган тезкор тарбиялар қўраётгани биз, туркман эли фарзандлари қалбига ҳам таскин беради. Айни пайтда институтда дарс онлайн тарзда амалга

оширилмоқда.

Биз истикомат қилаётган талабалар турар жойида мунтазам дезинфекция ишлари ўтказилиб турибди. Бу соғлиғимизни ўйлаб қилинаётган олижаноб ишдир.

Матбуот орқали Ўзбекистоннинг ўшбу касалликдан азият чекаётган давлатларга кўрсатётган инсонпарварлик ёрдамини қўриб, мана шундай танитилган фарзандлари билан бирга таҳсил олаётганимдан мамнун бўлдим, фахрландим. Ўйдагилар билан тез-тез гаплашиб турибман. Ўзбеки-



стонда ўз уйимдагидек хотиржамман. Институт ректорати ва маъмурияти биздан доим хабардор.

Оқиллик, узокни кўзлаб олиб борилаётган сиёсат боис, Ўзбекистон “ўшбу касалликдан тез орада қутулишига ишонаман. Зотан, қудратли давлатни ҳеч қандай куч енга олмайди.

ТИНИҚ ҚАЛБЛАР, ТИНИҚ МАҚСАДЛАР!

юритилаётгани, кечиктириб бўлмас чора-тадбирлар қўрилаётгани ҳамюртларимизга ишонч бағишлаб, метин интизом билан иш туттишга, пандемия балосига қарши жипслашиб курашишга хизмат қиялпти.

Телеэкранимизда намоиш этилаётган ҳар бир лавҳада кун кайфияти ҳукмрон. Ўзларининг жасоратли меҳнати билан элимиз саломатлиги йўлида бор салоҳиятини намоён этаётган тиббиёт ходимларининг бугунги жонқуяригига барчамиз бирдек таҳсин ўқиб турибмиз. Шу боис, иш фаолиятимизда ҳам болажонларимизда касб-хунар, айниқса, бугунги вазиятдан келиб чиқиб, шифокорлик касби-га бўлган қизиқиш, ҳурматни ошириш ва шу орқали уларда ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришга катта эътибор қаратяпмиз. Президентимизнинг мазкур соҳани янада ривожлантириш, тиббиёт коллежларини жамоат саломатлиги техникумлари сифатида қайта тиклаш ҳақидаги қарори бу борада энг эзгу ишлардан бўлди. Бундан ташқари, соғайиб бораётган беморлар ҳақидаги хушxabарларнинг тез-тез эълон қилинаётгани, шифокорларнинг жасорати бот-бот тилга олиниб тургани ҳам ёшларимиз кўнглига гўзал орузларни жойлашга улгурди. Ёш авлод ҳар доим ўзининг келгуси ҳаётини кўз олдида келтирган экан, даставвал, мана шу элгу юрт қорига ярайдиган етук мутахассис бўлмоқ орузида бирор касбни танлаш масаласига рубўрў келади. Бунда, аввало, ота-онанинг, оила муҳитининг ўрни алоҳида. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари ҳам ёш авлодни касбга йўналтиришда асосий тарғибот манбаи вазифасини ўтайди, десак ҳам бўлмайди.

Бугунги карантин даврида телевидение ва радио тўлкинларида, ижтимоий тармоқларда тиббиёт ходимларининг заҳматли фаолияти ва беором сазй-ҳаракатларининг ёрқин самарасидан барчамиз баҳраманд бўляпмиз. Мана шу муҳитнинг ўзи фарзандларимиз кўнглида ҳавасмандлик уйғотаётган бўлса, не ажаб.

Оиламиздан қиёс, айни кунда 13 ёшни қарши олган қизим Паризода шифокорликка меҳр қўйиб улгурди. Бир сўз билан айтганда, энди у ўзининг келажакдаги меҳнат фаолиятини оқлибосда тасаввур этмоқда. Бундан эса бизнинг бошимиз осмонда! Тиббиёт ходимлари олдида нечоғлиқ масъулиятли вазифалар турганини қўриб-билиб туриб, фарзандимизнинг шундай қарорга келишининг ўзи катта ютуқ аслида.

Бундан шундай хулосага келаман: бугунги ёшларимиз, ибора билан айтганда, “огирнинг устидан, енгилнинг остидан” боришни мўлжал қилмайдилар. Уларнинг асл мақсадини таҳминан бундай изоҳлаш мумкин: “Мени жаҳондаги ҳеч бир тенгдошимдан кам қилмай ўстираётган, таълим бераётган ва, албатта, ўз гамхўрлигига олган давлатим олдида бир умрга қарздорман! Хавас ила меҳрим тушган касбнинг моҳир устаси бўлиб, элимиз қорига ҳар доим шай турган ҳолда садоқат билан хизмат қиламан!”

Бу каби мақсадлар, албатта, рубўбга чиқади! Зеро, ёш юракнинг ўз олдида қўйган талаблари заворли бўлганидек, унга қараб интилиши ҳам шиддатли.

Тил — миллий ғуруримиз

ТИЛИМИЗНИНГ ЎЗ КУНИ,
ЎЗ БАЙРАМИ БОР

Рустам ЖАББОРОВ,
“Ўзбекино” Миллий
агентлиги бош
директорининг маънавий-
маърифий ишлар
самарадорлигини ошириш,
давлат тили тўғрисидаги
қонун ҳужжатларига риоя
этилишини таъминлаш
масалалари бўйича
маслаҳатчиси

Тил ҳар бир миллатнинг
энг қадри бойлиги,
унинг маънавий қиёфаси,
маданияти, ички
дунёсини акс эттирувчи
муҳим восита саналади.
Тилнинг давомийлигини,
умрбоқийлигини унда
сўзловчиларнинг миллий
ғурури, куч-қудрати,
адабиёти ва санъати
белгилайди, десак хато
бўлмайди.

Тарихга назар ташласак, асрлар, даврлар ўтиши билан кўплаб тиллар истеъмоладан чиқиб, “ўлик тил”га айланиб кетган. Латин, оромий, қадимги юнон, сурёний, кельт, шумер, аккад, хетт тиллари... Улар қатори бир пайтлар юртимиз ҳудудида муомалада бўлган қадимги хоразмий, сўғд, бохтарий (бактрий) тилларини ҳам келтириш мумкин. Турли босқинлар, ижтимоий-сиёсий жараёнлар, авлодлар, дин ва мафқуралар алмашуви сингари омиллар тилларнинг тақдирида ҳал қилувчи роль ўйнаган.

Бу жараён бугунги кунда ҳам давом этаётди. Ҳар йили ўнлаб тиллар муомаладан чиқиб, “марҳум”лар рўйхатига тиркалмоқда.

Она тилимиз мансуб бўлган туркий тиллар оиласига 30 дан зиёд тил қиради ва уларда Ер юзидан 250 миллиондан ортиқ киши сўзлашади. Олимларнинг фикрича, бугун туркий тиллар орасида фақат олтитта тилнинг ҳолати барқарор деб баҳоланган. Булар давлат тили мақомига эга бўлган ўзбек, турк, озарбайжон, қозоқ, туркман, қирғиз тилларидир.

Чиндан тилимизнинг халқаро миқёсдаги мавқеи ёмон эмас. Дунё миқёсида ўзбек тилида гаплашувчиларнинг умумий сони 50 миллионга етади. Википедия маълумотларига таянсақ, ўзбек тили сўзлашувчилар сони бўйича дунёда 27-ўринда туради. Агар дунёда 7000 га яқин тил ва



лахжа мавжудлигини эътиборга олсак, бу ёмон курсаткич эмас.

Ўзбек тили давлат тили мақомига эга бўлган 100 та тилдан биридир. Ҳолбуки, дунёда бундай юксак мақомга эга бўлмаган, аммо юз миллионлаб кишилар сўзлашадиган тиллар ҳам бор. Ўзбек тили кўшни давлатларда ҳам муомаладаги асосий тиллардан саналади. Хусусан, қўшни Тожикистонда ва Қирғизистонда ўзбеклар нуфусига кўра, титул миллат вакиллари-дан кейинги ўринда туради. Афғонистонда эса ўзбек тили пушту ва дарий тилларидан кейинги учинчи расмий тил саналади. Қўшни мамлакатлар ҳамда Туркия, Хитой, АҚШ, Ҳиндистон сингари давлатларнинг олий ўқув юртиларида ўзбек тили алоҳида фан сифатида ўргатилади.

Бугун ўзбек тили дунё ахборот маконида ҳам ўз мавқеига эга тиллар қаторидан ўрин олган. “Озод Европа”, “Америка овози”, “Би-би-си”, “Эрон овози”, “ТРТ-Аваз”, “Спутник” сингари йирик халқаро ахборот маҳкамалари, радио ва телеканаллар ўз материалларини ўзбек тилида ҳам тарқатмоқда. Халқаро спорт майдонларида қириб бораётган ўзбек кураши воситасида “чала”, “ёнбош”, “гирром”, “халол” сингари ўзбекча атамалар дунёнинг турли бурчларида бот-бот янграйди.

Бугун Википедия, Гугл, Фейсбук сингари йирик мессенжерлар, ижтимоий тармоқлар, интернет платформаларида ўзбек тилининг мавқеи ошиб бормоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ҳукумат миқёсида бу масалада катта эътибор қаратилаётгани ҳам барчамизни қувонтиради. Жумладан, 2019 йил 21 октябрь кунини давлатимиз раҳбари “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбир-

лари тўғрисида”ги фармонга имзо чекди. Унга биноан, “Давлат тили ҳақида”ги қонун қабул қилинган куннинг улкан тарихий ўрни ва аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда 21 октябрь санаси юртимизда “Ўзбек тили байрами кун”и деб белгиланди.

Ушбу фармонда она тилимизнинг келгуси тараққиётига оид кўплаб масалалар қаторида алоҳида тузилма — Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил қилинди.

Бу тузилма давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини, соҳага оид муаммоларни таҳлил этиб, бу борада ягона давлат сиёсатини амалга оширилишини таъминлаб келмоқда.

Жорий йилнинг 20 январь кунини Вазирлар Маҳкамасининг “Мамлакатда давлат тилида иш юритишни самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга биноан, давлат бошқаруви органлари, ҳужалик биллашмалари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туман ва шаҳар ҳокимликлари тузилмаларида раҳбарнинг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 февралдаги қарорига асосан, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди.

Жорий йилнинг 10 апрель кунини мамлакатимиз раҳбари “Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида”ги қонунга имзо чекди. Унга кўра, ушбу байрам ҳар йили 21 октябрда, Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган тарихий кунда нишонланганидан бўлди.

Эътироф



Ажмал Исроқ Зай:
— Мен бахтли бугуним учун Ўзбекистон ва ўзбек курашидан қарздорман.

Афғонистон деса, барчанинг кўз олдига урушлардан чарчаган, тараққиёт, сифатли таълим ва тиббиётдан оқим ортда қолган мамлакат кўз олдига келиши табиий. Чиндан ҳам, бугунги Афғонистоннинг қиёфаси шундай. Қарийб 40 йилдан бери афғон халқи урушлар исканжасида.

ЎЗБЕК КУРАШИ ВА
ЎЗБЕКИСТОНДАН
МИННАТДОРМАН

Ёшим 28 да. Менинг қанчадан-қанча тенгдошларим дайди ўқларга нишон бўлгани ёхуд ҳеч бир сабабсиз бевақт ҳаётдан кўз юмгани ёдимда. Афғонистонда шунчаки кўчага чиқиб ҳам, икки-уч кишининг тўда бўлиб туриши ҳам ҳавфли.

Бироқ ўн мингга яқин одам тез-тез 5-6 соат мобайнида бир жойда йғилиб, давра қуриб ўтирадиган тадбир бу полковларнинг кураш мусобақаси эканлиги ҳақиқат.

Мен Сарипулдаги афғон ўзбеклари оиласида туғилганман. Ҳаётим курашлар ичига ўтмоқда, десам муболага қилмаган бўламан. Ҳаёт учун кураш, яшаш учун кураш, таълим олиш учун кураш ва давралардаги кураш. Буларнинг ичига энг жозибалиси, сўзсиз, кураш спорти.

2017 йил эди. Афғонистон кураш федерацияси мени халқаро мусобақаларда мамлакат номидан иштирок этиш учун миллий терма жамоага тақлиф қилди. Бу мен учун ҳақиқий бахт эди.

Илк бора ўша йили Термизда ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган халқаро турнирда иштирок этдим. Ўша йилнинг ўзида Ашхобод шаҳри мезбонлик қилган Ёлқин иншоотларда ва жанг санъатлари бўйича V Осиё ўйинларида ҳам кучимни синаб кўрдим.

2018 йилда эса Шахрисабзда ва Индонезиянинг Жакарта шаҳарларида ўтказилган кураш бўйича йирик халқаро турнирларда ғолиб ва совриндор бўлдим. 2019 йил сентябрь ойида Корея Республикасининг Чонджу шаҳрида бўлиб ўтган кураш бўйича катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида бронза медални кўлга киритдим.

Кураш халқаро ассоциацияси ва Осиё-Океания кураш конфедерациялари томонидан ташкил этилган кўплаб халқаро ҳакамлик семинарларида ҳам иштирок этиб, халқаро тоифадаги кураш ҳаками малакасига эга бўлдим.

2019 йил январь ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган халқаро семинарда ҳаётимни буткул ўзгартириб юборган тақдирим олдим. Мени Хитой Тайпейи кураш федерацияси ўз давлати терма жамоасига мураббийликка ва Тайвань миллий спорт институтига тахсил олишга тақлиф қилди. Бугун Тайваньдаги нуфузли таълим даргоҳида билим олиш билан бирга, Хитой Тайпейи кураш федерациясида ҳам фаолият юритмоқдаман.

Утган вақт мобайнида Ўзбекистонга кўп маротаба бордим. Ўзбекистонни иккинчи ватаним, деб ҳисоблайман ва қадрлайман.

Яқинда яна бир ангилди — Ўзбекистон Афғонистонда тинчлик ўрнатиш мақсадида кўплаб халқаро ташкилотлар билан музокара олиб бораётгани ва амалий натижаларга эришаётганини эшитиб янада қувондим.

Бундан ташқари, кўплаб афғон ёшлари учун Термизда таълим марказлари очилди. Бир қанча иқтидорли ука-сингилларимиз Ўзбекистоннинг йирик университетларида тахсил олмоқда.

Демак, қисқа муддатларда бу эзгу ишлар ўз натижасини беради, албатта. Ўзбекистон сабаб мен каби ҳаётининг янги саҳифасини очган ёшлар сони яна кўпаяди. Ўзбекистон ҳукуматининг кўплаб-қувватлаши туфайли афғонистонликларнинг азалий орузи — тинчлик қарор топади. Қўшиллар билан дўстлик ва биродарлик алоқалари янада мустаҳкамланади. Бунга ишончим комил.

Осиё-Океания кураш конфедерацияси матбуот хизмати раҳбари
Жамшид НАМОЗОВ ёзиб олди.

Ғалабанинг 75 йиллиги олдида



ЭЛУ ЮРТ АРДОҒИДАГИ ФАЙЗЛИ УМР

Дилрабо ЖУМАТОВА,
журналист

Хоразм вилоятининг Янгиариқ туманидаги Каттабўғ қишлоғида истиқомат қилаётган 95 ёшли Ўғилжон Қурбоновани қишлоқдошлари “уруш кўрган момо”, деб таърифлайди. Момонинг оғир ва изтиробли, узун ва мазмунли ҳаёт йўлининг ўзи бир тарихдир.

Ўғилжон момонинг айтишича, у уруш бошланганида 15 ёшда эди. Тақдирнинг синовини қарангки, айни нав-нихол ёшида фронтти меҳнат отрядига жалб этилди. Россия ўрмонларида ёғоч кесди. Аскарлар учун кийим-кечак тикди, уруш бўлиб ўтган ва вайронага айланган ҳудудларни тиклашда иштирок этди. Хуллас, қандай вазифа топширилса, барчасини чин дилдан адо этди.

Унинг снарядларнинг даҳшатли портлаши эшитилиб турган ҳудуддан эсон-омон қайтишининг ўзи бир мўъжиза эди. “У ердаги қийинчиликлар, очарчиликлар, оғир меҳнат шариоатлари ҳалиям кўз ўнгимдан кетмайди”, дея ўша оғир кунларни кўзларига ёш олиб хотирлайди момо.

Хуллас, тўрт йиллик сафарбарлик ҳизматидан кейин хасталиб қолган Ўғилжонни Хиванинг Пиш-каник қишлоғида Ёкутжон исмли қиз ҳамроҳлигида уйига жўнатишди. Ўшанда у 19 ёшда эди. Тўрт йиллик сарсон-саргардонлик туфайли йўқотилган соғлигини қайта тиклаш, ҳаётга янгидан умид ўнгонишида унга яқинла-

ри меҳри, қишлоқдошларининг таскин-тасаллиси катта мадад бўлганини онахон ҳамон эсидан чиқармайди.

У йигирма ёшида янги ҳаётга қадам қўйди, қишлоқдо-ши Машариф Ражабов билан турмуш қуради. Бу оилда 12 фарзанд дунёга келади. Бироқ бу қувончли кунлар узокка чўзилмайди. У турмуш ўртоғидан эрта айрилиб, синови ҳаёт йўлида ун икки жигарпораси билан ёлғиз қолади. Метин ирода, сабр-тоқат, тинимсиз меҳнат билан тақдирнинг бу имтиҳонини ҳам ёниб ўтиб, фарзандлари-ни оқ ювиб, оқ тараб элга қўлади. Бугун унга фарзанд-лари, эл-юрт томонидан қўрсатилаётган юксак эъзоз ва эҳтиром ҳаёт йўлида қўрсатган ана шундай сабр-бар-дони, матонатининг меъасидир.

Кўз тегмасин, онахон ҳали ҳам бардам. У билан бир марта суҳбатлашган одам бир олам завқ олади. Бугунги дориламон кунларга осонликча эришилганини юрак-дан ҳис этади. Унинг хотираларини тинглаган ёшлар қалбига ҳаётга муҳаббат, тинч-фаровон кунларга шу-қроналик ҳисси уйғонади.

Момонинг тўнғич келини Онабиби Ҳайитбоева қайно-наси билан кўп суҳбат қурган. Шу боис, унинг ибратли ҳа-ёти, хотираларини аниқ-тиниқ ўқиб. У фарзандларига, невараларига катта момосининг кечирган мураккаб ҳаёти ҳақида ҳикоя қилар экан, бу воқеалар халқимиз тарихи-нинг ажралмас қисми эканини ўқитидади. Момонинг пур-маъно ўғилларига, аввало, ўзи, қолаверса, фарзандлари-ни ҳам амал қилишга чорлайди.

Момони нафақат оила аъзолари, маҳалла аҳли ҳам жуда ҳурмат қилади. Имкон топила, каттаю кичик унинг суҳбатини олишга, ўтмиш хотираларини тинглашга ошиқа-ди. Зеро, Ватанимиз тарихининг мураккаб даврлари ҳақи-да китоблардан ўқиб бошқая, ўша кунларнинг гувоҳи бўлган нурунийларимиз хотираларини тинглашнинг инсон

тафаққурига таъсири бўлакча. Маҳалланинг каттаю кичиги буни яхши англайди ва имкониятдан оқилона фойдалана-ди. Маҳалла оқсоқоллари, ёшлар билан мулоқот қилган-да, бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилиш мумкин. Улар онахоннинг Ватан ҳимояси йўлидаги фидокорона хизмат-ларини, урушдан кейинги меҳнатларини фахр билан тилга олади.

Бугун Ўғилжон момо фарзандлар, неварча-чеваралар, элдошлари, яқинлари кушоғида иззату ҳурматда. Унинг эзгу дуоларини олишга ошиқувчилар қаторида биз ҳам шундай табарруқ онахоннинг дуосини олишга мушарраф бўлганимиздан ўзимизнинг ғоятда бахтли ҳис этидик. Зеро, элимиз тинчлиги, обод ва фаровон турмушимиз шу азиз отахон онахонларимизнинг катта хизматлари ҳамда эзгу дуоларининг ижобати туфайлидир.

Шу боис, момонинг нури чехрасини, тетик ва бар-дам ниғонини қўриб қувондик. Ёшларга билдирган юксак ишончидан руҳимиз кўтарилди, юртимизда кеска авлод вакилларига қўрсатилаётган эътибор ва эъзоздан бағоят мамун эканимизнинг шун тасалли топади.

Президентимизнинг шу йил 30 мартда қабул қилинган “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги фармони фидойи, ватанпарвар инсонлар қалбига янада эзгулик улашди, ҳаётига янги маъно-маз-мун бахш этишда муҳим қадам бўлди.

Ҳа, йиллар ўтаверади, даврлар алмашаверади, си-новли кунлар ортда қолаверади. Аммо замонлар ўт-са-да, ота-боболаримиздан мерос қолган Ватанга са-доқат, уни кўз қорачиғидек асраш, ўтганлар руҳини шод этиш, озод ва обод ҳаётимиз учун курашган ва бугун умргузаронлик қилаётган нурунийларимизни қадрлаш борасидаги эзгу қадриятларимиз мангу яшайверади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 1166.
43642 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоиси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонаси. Қорхона манзили:
Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Ёлбек кўчаси, 8-йў.
ЎзА якуни — 00:30 Топширилди — 01:40 1 2 3 4 5 6

Бош муҳаррир: Салим Дониёров

«Янги Ўзбекистон» газетаси учун масъул:
бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари

Бахтиёр Абдусатторов

Девонхона: (0-371) 233-70-98

Котибият: (0-371) 233-56-60

Эълонлар: (0-371) 233-57-15

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун бўлган
расмийлаштирилган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида
сахифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли
чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Навбатчи муҳаррир: Абдурауф Қоржовов
Мусаххих: Мафтуна Мингбоева

Босмахона телефони: (71) 230-27-76

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй